



Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари идораси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПАРЛАМЕНТИГА САЙЛОВЛАР

27 декабрь 2009 йил

ЕХХТ/ДИИҲИ Сайловни Баҳолаш Миссиясининг якуний

ҳисоботи



Варшава
7 апрель 2010 йил

МУНДАРИЖА

I.	АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР.....	1
II.	КИРИШ СЎЗИ ВА МИННАТДОРЧИЛИКЛАР.....	3
III.	ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР ВА СИЁСИЙ МУҲИТ.....	4
IV.	ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ.....	6
V.	САЙЛОВНИ БОШҚАРИШ.....	9
VI.	САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ.....	11
VII.	НОМЗОД ҚЎЙИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ.....	12
VIII.	САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ.....	14
IX.	ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ.....	15
	А. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	15
	Б. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ.....	16
	С. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ САЙЛОВНИ ЁРИТИШ ИШЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.....	18
X.	САЙЛОВДА АЁЛЛАР ВА КАМЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ МИЛЛАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ.....	19
XI.	МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ КУЗАТУВЧИЛАР.....	20
XII.	ШИКОЯТЛАР ВА АПЕЛЛЯЦИЯ.....	21
	А. Сайловдаги бахслар.....	21
	Б. Сайловдаги қонунбузарликлар.....	23
XIII.	САЙЛОВ КУНИДАГИ ТАДБИРЛАР.....	23
	А. Овоз бериш.....	23
	Б. Овозларни санаш, Натижалар бўйича баённома тузиш ва уларни эълон қилиш.....	25
	С. Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎЗЭҲ) вакиллари бевосита сайлаш.....	26
	ИЛОВА: ПАРЛЕМЕНТДАГИ ЯКУНИЙ ЎРИНЛАРНИ ТАЙИНЛАШ.....	29
	ЕХХТ/ДИИҲИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.....	30

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРЛАМЕНТИГА САЙЛОВЛАР
27 декабрь 2009 йил

ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссиясининг якуний ҳисоботи

I. АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси ЕХХТ (Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлик Ташкилоти) мажбуриятларидан келиб чикиб ЕХХТ/ДИИХИни (Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлик Ташкилоти / Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари идораси) 27 декабр куни парламент сайловларини кузатиш учун таклиф қилди. ЕХХТ/ДИИХИ (Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлик Ташкилоти / Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари идораси) Эхтиёжларни Баҳолаш Миссиясини олиб борди ва ўз навбатида узоқ ва қисқа муддатли кузатувчиларсиз, асосий аналитик гуруҳидан ташкил топган Сайловларни Баҳолаш Миссиясини (СБМ) яратишни таклиф қилди. Сайловчилар учун ҳақиқий плюралистик сайловлар етишмаслиги ҳолати, ҳамда ЕХХТ/ДИИХИнинг аввалги аксарият тавсиялари эътиборсиз қолганини ҳисобга олган ҳолда сайловларни кузатув миссиясини ҳаттоки чекланган ҳолда ҳам ўтказиш маъносиз деб ҳисобланди. Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш учун минимал шароитлар йўқлиги сабабли, ЕХХТ/ДИИХИ аввалда Ўзбекистонда сайловлар кузатуви абсолют миссиясини олиб бормаган. Аввалги сайловларда ЕХХТ кўрсатмаларига амал қилинмаган дея баҳоланган.

2009 йил 27 декабрдаги парламент сайловлари кейинги демократизацияга “Ўзбекистоннинг босқичма – босқич ўтиши” (муҳитида) контекстида муҳим ўрин тутди. 2008 йил декабр ойида сайловлар ҳақидаги қонунга киритилган тузатишларнинг баъзилари сайловлар қонуни доирасини бироз яхшилаган бўлсада, уларнинг ҳаққоний ижроси Ўзбекистонда сайлов амалиётини яхшилаш учун мажбурий ҳисобланади. Бироқ, бошқа тузатишлар, масалан, Ўзбекистон Экологик Ҳаракати учун куйи палатада 15 та ажратилган жойни таъминлаш ва фуқаро ташаббускор гуруҳлар учун мустақил (эркин) номзодларни тайинлаш имкониятини бекор қилиш кабилар ЕХХТ кўрсатмаларидан узоклашишга сабаб яратди. Ушбу ҳолатлар мос равишда ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 7.2 ва 7.5 параграфларига зиддир. Умуман олганда, сайловлар қонунчилиги ЕХХТ кўрсатмаларидан узоклашишда давом этмоқда ва у жиддий такомиллаштиришни талаб этади.

Жорий парламентда кўрсатилган 4 нафар сиёсий партиялар ўз вакиллари билан ушбу сайловларда кураш олиб бордилар. Ушбу партияларнинг дастурлари ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлаётган барча рўйхатга олинган партиялар билан фарқи оз кўринди. Давлат ҳукуматига нисбатан очик танқидий тарздаги сиёсий оқимлар аввал сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўтиш имконига эга бўлмаганлар. Ушбу сайловлар арафасида бу оқимлар қайта рўйхатдан ўтишга ҳаракат қилмадилар. Номзодлар гуруҳи сайловчиларга ҳақиқий сиёсий алтернативаларни тақдим этмади. Чинакам сиёсий плюрализм ҳар қандай демократик сайловларнинг асосий элементини ташкил этади.

Сайловлар умумий тарзда асосли равишда ва белгиланган тартибга асосан ўтказилган бўлсада, Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) ва Оқруқ Сайлов Комиссиялари (ОСК) хулосалари омма ва кузатувчилар эътибори учун тезкор тарзда ҳавола бўлмади, бу эса

ўз навбатида очиқ-ойдинликка тўсиқлик қилди. Бир қатор муаммоларда (масалан, мобил овоз бериш ва муддатдан илгари овоз бериш) ҳуқуқий шароитларнинг ноаниқлиги Марказий Сайлов Комиссияси (МСК)дан аниқ ва батафсил кўрсатмалар қафолатланар эди. Сайлов бошқарувчиларининг ҳуқуқий шартларни бир тарзда бажармаганликлари Марказий Сайлов Комиссияси (МСК)нинг сайлов бошқарувчиларининг барча даражаларига берилган кўрсатмалари етарлича батафсил эмаслигини кўрсатди.

Сайлов кампанияси сусткашлик ва очиқсизлик характериға эғалик билан бир қаторда ҳақиқий сиёсий мусобақа йўқлиги билан қайд этилди. Сайлов кампанияси секинлик билан бошланиб, сайлов олди даврининг сўнгги ҳафтасидағина чекланган импульсға эришди. Кампания фаолияти асосан, *маҳаллалар* (худудий идоралар) ёрдамида ташкил этилган сайловчилар билан ёпиқ учрашувлар ўтказишдан иборат бўлди. Маҳаллалар сайловларға тайёрланишда ҳам ва сайлов кунида ҳам муҳим роль ўйнади.

Умуман олганда, Ўзбек оммавий ахборот воситалари конституция асосида қафолатланган сўз эркинлиги ҳуқуқиға нисбатан ҳаддан ташқари ортиқ тарздағи чекланишларға ва профессионал журналистика танқислиги билан чекланган. Оммавий ахборот воситалари сайлов олди кампанияларига нисбатан жуда чекланган қизиқиш кўрсатиб, асосий эътиборни Президент ва ҳуқумат фаолиятиға оид янгиликлар дастурларига қаратди. Оммавий ахборот воситаларини етказувчилари, хусусан икала давлат телеканаллари, яъни Ўзбекистон ва Ёшлар телеканали қонун томонидан талаб қилинган бўлсада, сиёсий партияларни тенг ҳуқуқли қамров билан таъминлай олмадилар. Бироқ улар қонунчиликда кўрсатилганидек сиёсий партияларни эркин эфир вақти билан таъминлашди.

Барча босқичларда расмий шикоятларнинг сезиларли даражада йўқлиги намоён бўлди. Сайловчилар томонидан келтирилган сабаблар орасида шикоят қилиш тизимининг ишончсизлиги, суднинг оғир жараёнлари ва мунозараларни расмий йул билан эмас, балки норасмий тарзда ҳал қилишлар булди.

Сайлов ҳақидағи қонун сайлов жараёнини халқаро кузатувчилар ҳамда сиёсий партияларнинг рухсат берилган вакиллари ва номзодлар томонидан кузатилишини таъминлайди. Бироқ маҳаллий фуқаролик жамият гуруҳлари сайлов жараёнини кузатиш ҳуқуқиға эға эмас, бу эса 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 8 параграфига зид. Бундан ташқари, ички қонунчилик асосида кузатувчиларға натижалар ҳақидағи баённомаларнинг тасдиқланган нусхаларини сайлов участкаларидан олиш ҳуқуқи кўп ҳолларда Округ сайлов комиссияси (ОСК) ходимлари томонидан рад қилинди.

Овоз бериш жараёнини ҳеч қандай тизимли ёки атрофлича кузатув амалға оширилмаган бир пайтда, ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси (СБМ) аъзолари сайлов куни бир нечта сайлов участкаларига ташриф буюришди. Ташриф буюрилган сайлов участкаларида бир қарашда овоз бериш тинч ва тартибли равишда борар эди. Баъзи сайлов участкаларида сайлов бюллетенлари учун қутилар округ сайлов комиссия (ОСК) аъзолари ва кузатувчиларға кўринмади. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатидағи ва сайлов бюллетени қутилардағи тўлдирилган бюллетенлардағи айнан бир хил имзолар, ишончли овоз бериш кенг тарзда ўтказилганлигини, ҳамда қутилар қалбаки бюллетенлар билан тўлдирилганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмаслигини

кўрсатди. Ушбу жиддий қонунбузарликлар овоз тенглиги принципини бузиб (бир одамга бир овоз) сайловларнинг ҳаққоний эмаслиги ҳақида савол уйғотди.

ЕХХТ/ДИИХИ тегишли ҳукумат органларини сайлов тизимини ЕХХТ талабларига мослаштириш учун муҳим масалаларни ҳал этишга эътибор бериш учун ҳақиқий сайловлар жараёни билан шуғулланишини қўллаб-қувватлайди. Муҳокама ЕХХТ/ДИИХИнинг мазкур ва аввалги ҳисоботларида чоп этилган муҳим кўрсатмалари асосида бўлиши лозим. ЕХХТ/ДИИХИ сайловни ўтказиш жараёнини яхшилашда Ўзбекистон ҳукуматига ёрдам беришга тайёр.

II. КИРИШ СЎЗИ ВА МИННАТДОРЧИЛИКЛАР

ЕХХТ мажбуриятларига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЕХХТ/ДИИХИни 27 декабрдаги парламент сайловларини кузатиш учун таклиф қилди. Натижада ЕХХТ/ДИИХИ 2009 йил 21 – 22 октябр кунлари Эҳтиёжларни Баҳолаш Миссиясини (ЭБМ) олиб борди, у эса ўз навбатида Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш учун умумий ҳолатни кўриб чиқишни ва сайлов қонуни, сайлов ўтказиш тадбирлари ва амалиётини яхшилаш бўйича тафсиялар бериш учун Ўзбекистонга Сайловни Баҳолаш Миссиясини юборишни таклиф этди. ЕХХТ/ДИИХИ ЭБМ сайловни кузатиш миссиясини ҳаттоки чекланган тарзда ўтказиш ҳам маъносиз деган қарорга келди. Бундай фикр сайловчилар учун ҳақиқий сиёсий танлов чекланмалари, ҳамда ЕХХТ/ДИИХИнинг аввалги асосий талаблари эътиборга олинмаганлигидир.¹ Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш учун минимал шароитлар йўқлиги сабабли ЕХХТ/ДИИХИ ҳеч қачон Ўзбекистонда сайловлар кузатуви миссиясини тўлиқ тарзда олиб бормаган. Аввалги сайловлар ЕХХТ/ДИИХИ томонидан ЕХХТ (ЕХХТ) талабларига умуман жавоб бермайди дея баҳоланган.

2009 йил 2 декабр куни Тошкент шаҳрида элчи Жоланда Брунетти бошчилигидаги ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ташкил этилди. У ўзида 14 нафар таҳлилчи ва 13 ЕХХТга аъзо давлатлардан кумак штатини мужжасам этди, аммо унга узоқ ва қисқа муддатли кузатувчилар киритилмади. Миссия оммавий ахборот воситаларини назорат қилиш компонентини ўз ичига олди. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси Ўзбекистон Республикасининг 12 вилоятдан 9 тасига², шу жумладан Қорақалпоғистон Автоном Республикасига ташриф буюрди. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси мамлакатда 31 декабргача қолди. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси 27 декабр куни - бир вақтнинг ўзида ўтказилган сайловларни вилоят, туман ёки шаҳар кенгашларига бўлмади.

ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси Ўзбекистон республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги, Марказий Сайлов Комиссияси ва миссия давомида ҳамкорлик қилган ва ёрдам берган бошқа иштирокчиларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Бу уларнинг ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси илтимосига кўра давомий тарзда учрашиши ва тушунтириш беришга иштиёқи учундир. Шунингдек, ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ЕХХТ лойиха Координатори ва

¹ Каранг: http://www.osce.org/documents/osce/2009/11/41230_en.pdf. ЕХХТ/ДИИХИнинг аввалги барча сайлов кузатувлари буйича ҳисоботларини қуйидаги манзилдан кўришингиз мумкин: <http://www.osce.org/osce-elections/14681.html>.

² Андижон, Бухоро, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилояти, Сурхондарё ва Хоразм.

Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ходимларга миссия давомида кўрсатган барча кўмаги учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

III. ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР ВА СИЁСИЙ МУҲИТ

Ушбу сайловлардан олдин ЕХХТ/ДИИХИ Ўзбекистонда 1999 ва 2004 йиллардаги парламент сайловлари, шунингдек 2007 йилдаги президент сайловлари ўтказилишини ҳам кузатган. 2004 йилдаги парламент сайловлари учун ЕХХТ/ДИИХИ Чекланган Сайловларни Кузатув Миссиясини (ЧСКМ) ташкил этиб, ушбу миссия ўз ишига “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси парламентиغا Депутатларни сайлаш учун ўтказилган сайловлар сайлов ҳақидаги қонунга киритилган кичик ўзгартиришларга қарамай, ЕХХТ кўрсатмалари ва демократик сайловларнинг бошқа халқаро стандартларига мос келмайди” дея хулосалади. 2007 йилдаги президент сайлови учун ҳам Чекланган Сайловларни Кузатув Миссияси ташкил этиб, ушбу миссия ўз ишини сайловлар “қаттиқ назорат остидаги сиёсий муҳитда ўтди ва 1990 йил ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатида зикр этилган демократик сайловлар ҳақидаги ЕХХТ кўрсатмаларига мос келмайди” деган хулосага келди.

2009 йил 27 декабрдаги сайловлар Ўзбекистон икки палатали парламентни (*Олий Мажлис*) киритган пайтдан буён иккинчи парламент сайловлари бўлди.³ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Сайлов тўғрисида” қонунига 2008 йил 25 декабрда киритилган тузатишлар депутатлар сонини 120 дан 150 гача оширди, муҳими шуки, яқинда ташкил қилинган Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎзЭХ) вакиллари учун 15 та жой ажратилди. Қолган 135 депутати бир мандатли сайлов округлари бўйича сайланади.⁴

Бир мандатли сайлов округларида номзодлар 4 нафар рўйхатдан ўтган партиялар орқали тайинланди. Мазкур парламентда куйидаги тўртгала партиядан вакиллар қатнашди: Ўзбекистон Либерал демократик Партияси (ЎзЛиДеП), Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП), Ўзбекистон “*Миллий Тикланиш*” Демократик Партияси ва *Адолат* Социал Демократик Партияси.⁵

Сиёсий партия деб ҳисобланмаган Ўзбекистон Экологик Ҳаракатига (ЎзЭХ) 2008 йил август ойида асос солинган. У асосан экология ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фаол нодавлат ташкилотлар ва яқка тартибдаги аъзолар, олимлар, фаоллардан иборат. Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎзЭХ) учун ажратилган ўрин концепцияси

³ 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум конституцион ўзгартиришлар, жумладан, икки палатали парламент киритишни таклиф қилди. Эндиликда парламент куйи палата (қонунчилик палатаси) ва юқори палата (сенат)дан иборат бўлиб, ҳар иккала палата беш йил муддатга сайланади. Сенат 84 таси бевосита сайланган, 16 таси эса президент томонидан тайинлаган 100 та аъзога эга.

⁴ Сайлов қонунининг 45-моддаси ҳеч бир номзод берилган овозлар сонининг ярмидан кўпини олмаган тарзда такрорий овоз беришни назарда тутди. Иккинчи мартадаги сайловда биринчи мартада энг кўп овоз олган икки номзод иштирок этади. Биринчи бор сайлов ҳақиқийлиги учун рўйхатга олинган сайловчилардан камида 33 фоизи иштирок этиши шарт бўлса, иккинчи мартада сайловда бундай шарт йўқ.

⁵ 2004 йилдаги парламент сайловларига кўра, Ўзбекистон Либерал демократик Партияси 41 та ўрин, Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси 28 та ўрин, Ўзбекистон *Миллий Тикланиш* Демократик Партияси 29 та ўрин ва *Адолат* Социал Демократик Партияси 10 та ўрин эгаллаган. 2008 йилда *Миллий тикланиш* партиясига қўшилган *Фидокорлар* партияси эса 11 та жой эгаллаган. Шу тарзда янги *Миллий тикланиш* партияси иккинчи йирик фракцияга айланди.

ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси билан суҳбат курганлар сиёсий партиялар ва тўғридан-тўғри сайланадиган жой учун мусобақалашадиган номзодлар томонидан ҳам маъқулланганини таъкидладилар. Улар Ўзбекистон Экологик Ҳаракатининг (ЎзЭХ) бошланиши Ўзбекистон олдида турган экологик муаммоларда ўз тасдиғини топади деб таъкидлашди. Бу муаммоларга Орол Денгизининг қуриши, ернинг шўрланиши ва ичимлик суви танқислиги киради. 15 та ажратилган ўриннинг тайинланиши бевосита сайлов оркали амалга оширилди; Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎзЭХ) округ конференцияларида барча вилоятлардан номзодларни сайлаб олиб, ушбу номзодлар Тошкентда бўлиб ўтадиган, 15 та ажратилган ўрин учун депутатларни сайлаш мақсадида ўтказиладиган конференцияда қатнашадилар (ушбу ҳисоботнинг XIII бўлимига қаранг).⁶ Миллий конференция 27 декабр куни, бир мандатли сайлов округи сайловлари кунида бўлиб ўтди. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ушбу билвосита сайловни кузатди.

2009 йил декабрдаги сайловлар қаттиқ назоратда бўлган, яъни ҳар қандай демократик сайловлар маркази бўлган фундаментал озодликка бўлган ҳурматнинг етишмаслиги билан, президент⁷ бошчилигидаги кучли раҳбар ва нисбатан кучсиз парламент, шунингдек, ҳудудлардаги беқарорликлар олдидаги қўрқув билан характерланган сиёсий бир муҳитда амалга оширилди. Ўз номзодларини қўйган барча тўртта партия ўзларининг ҳукуматни қўллаб-қувватлашларини таъкидадилар, ҳамда Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП)⁸ ўзини парламент муҳолифат партияси деб таърифлади⁹ Сайловда қатнашаётган томонларнинг сиёсий дастурларида ўз олдида қўйган масалалари фарқ қилсада,¹⁰ бу фарқлар асосан расмий характерга эга. Бугунги кунгача сиёсий партиялар мавжудлиги фақатгина сиёсий хилма-хиллик пайдо бўлиши билан белгиланади ва улар сайловчиларга ҳақиқий сиёсий алтернативалар орасидаги сайловни таъминламайди. Сайловда сиёсий партиялар томонидан ўзларининг умумий сиёсий дастурларидан ташқари кўтарилаётган муҳим кампания мавзулари мавжуд эмас.

Давлат вакиллари ва бошқа суҳбатдошлар Ўзбекистоннинг ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссиясига кириш йўлини демократик ислоҳотлар ва кўшпартиялик бирлашув тизимининг “босқичма-босқич ўтиш жараёни” сифатида

⁶ Қуйи палатадаги Ўзбекистон Экологик Ҳаракатининг 15 аъзоси Ўзбекистоннинг 14 ҳудудини (12 вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси) ва ҳар бир ҳудуднинг Экологик ҳаракатнинг марказий бошқарув аппарати вакили бўлади.

⁷ Президент бош вазир, вазирлар маҳкамаси ва бош прокурорни тайинлайди ва ишдан озод этади. У Конституцион Суд ва Олий Суд, ҳамда вилоят ва туман судларининг судьяларини тайинлайди. Бундан ташқари, у ҳокимларни тайинлайди ва ишдан озод этади.

⁸ Совет давридаги Ўзбекистон Коммунистик партиясининг давомчиси.

⁹ “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги” 2007 йилда тасдиқланган Ўзбекистон республикасининг Конституциявий Қонунининг 2-моддаси фракцияларга парламентда ўзини муҳолифат мақомга эга деб эълон қилиш имкониятини беради. Муҳолифат мавжудлиги парламент концепциясининг ажралмас қисми бўлсада, Ўзбекистон мисолида парламент муҳолифатини шакллантириш имконияти қонун томонидан киритилган. Амалда Ўзбекистонда парламент муҳолифати мақоми ҳукуматга нисбатан етарлича муҳолифат келтириб чиқармайди.

¹⁰ Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси аҳолининг заиф қатлами ҳуқуқини ҳимоя қилишини таъкидлайди, Ўзбекистон Либерал демократик Партияси ўз дастурида бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлайди, *Адолат* партияси ўз социал демократик партия деб ифодалайди ва *Миллий тикланиш* партияси миллий кадриятлар ва анъаналарни ҳимоя қилишни ўзига мақсад қилиб олган.

таърифлашди.¹¹ Бироқ ҳукуматга нисбатан очик танқидий мазмундаги сиёсий ҳаракатлар олдинги сайловларда сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўта олмадилар.¹² 2009 йил сайловлари арафасида улар рўйхатдан ўтишга ҳаракат қилмадилар.

IV. ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ

Олий Мажлис қонунчилик палатаси сайловларини авваламбор конституцион шартлар¹³ ва сўнги март 2008 йил 25 декабрда тузатиш киритилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги” Қонун (сайлов қонуни) бошқаради. Бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатларига қуйидагилар киради: “Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси тўғрисидаги” (МСК қонуни), “Сиёсий Партиялар тўғрисидаги қонун” (сиёсий партия қонуни), “Сиёсий Партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун”, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги қонун” (сиёсий партияларни кучайтириш бўйича қонун) ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, шунингдек жиноят кодекси¹⁴ ва Фуқаролик процессуал кодексининг айрим шартлари.¹⁵ Бундан ташқари, Марказий Сайлов Комиссияси” (МСК) сайлов жараёни қандай ўтказилиши кераклиги мавзусига тааллуқли кўрсатмаларни намоён қилган қарорлар ва иш тартибини қабул қилди.¹⁶

2008 йил декабрда сайлов ҳақидаги қонунга киритилган тузатишларнинг баъзи бирлари сайловларнинг ҳуқуқий тизимини бироз яхшилаган бўлсада, уларнинг ҳаққоний ижроси Ўзбекистондаги сайлов амалиётини яхшилашга мажбурий бўлиб

¹¹ 2008 йил Конституция кунида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов сўзлаган нутқига қаранг: <http://www.region.uz/news.php?id=1037&lan=en>.

¹² Масалан, *Бирлик*, *Эрк* ва *Бирдамлик*. Айтишларича, уларнинг раҳбарлари қувғин қилинган. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссиясига ушбу партиялар аъзолари кучли назорат остида эканлиги ва ҳукумат уларнинг тарафдорлари билан учрашувларига тўсқинлик қилаётганини маълум қилдилар.

¹³ Конституция сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилишини таъкидлайди (117-модда).

¹⁴ Жиноят кодексининг 146-моддаси сайловдаги қоидабузарликларни (воз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш) ман этади, жиноят кодексининг 147-моддаси эса сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига, сайлов олди кампаниялар ўтказишга ва уларни ишончли вакили сифатида иш олиб боришга тўсқинлик қилишни ман этади.

¹⁵ Фуқаролик кодексининг 272-моддасида қуйидагича белгилаб қўйилган “Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.”

¹⁶ Масалан, МСКнинг “Участка Сайлов Комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” (2009 йил 17 сентябр), МСКнинг “Ўзбекистон Экологик Ҳаракатидан Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги” Низоми (2009 йил 17 сентябр), ва МСКнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ва сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидаги сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги” Низоми (2009 йил 13 ноябр).

колади. Бошқа тузатишлар ЕХХТ кўрсатмаларига тўғридан-тўғри зиддир. Умуман олганда, сайлов қонунчилиги ЕХХТ мажбуриятларига мос эмас ва у жиддий такомиллаштиришни талаб этади.

Ижобий ўзгаришлар ЕХХТ/ДИИХИнинг 2005 йилдаги сайлов ҳақидаги қонунни баҳолаш бўйича баъзи кўрсатмаларига риоя қилиш натижасидир.¹⁷ Бироқ, ҳақиқий сиёсий мусобақа йўқлиги ва мазкур сайловларда улардан қўлланишнинг чекланганлиги боис амалда синалмаганлиги сабабли улар маълум тарзда рамзий маънога эга бўлиб қолмоқда.

Биринчидан, янги партияларни сайлов кампаниялардан 4 ойдан 6 ойгача бўлган вақтда рўйхатдан ўтиши лозим бўлган муддатни қисқартириш орқали сиёсий партиялар томонидан номзодни тайинлаш назарий жиҳатдан биров энгилрок амалга оширилди.¹⁸ Иккинчидан, тарафларга номзодларни тайинлаш учун керак бўлган қўллаб-қувватловчи имзолар сони 50000 дан 40000 га қисқартирилди. Бироқ 2009 йил декабр сайловларидан олдин ҳеч қандай янги партиялар рўйхатдан ўтмади. Учинчидан, сайлов кампанияларини ташкиллаштиришда сайлов бошқарувчиларининг иштироки камайтирилди. Жорий қонунчиликка кўра сайлов олди кампания фаолияти эндиликда сиёсий партияларнинг ўзлари томонидан ташкиллаштирилиши мумкин. Улар тегишли Округ ва участка сайлов комиссиялари (ОСК/УСК) билан мувофиқлаштириб олишлари шарт ва тадбирлар аввалги сайловларда бўлганидек сайлов комиссияси томонидан марказлашган тарзда ташкил этилмайди. Тўртинчидан, участка сайлов комиссиялари (УСКs) мажбурияти ҳисобланган, натижалар ҳақидаги баённомани овоз чиқариб ўқиш, унинг нусхасини камида 48 соат давомида жамоатчиликка кўрсатиш сайловларнинг очиқлигини оширишга томон бораётганлигини кўрсатади. Бешинчидан, номзодни рўйхатдан ўтказишда имзолар рўйхатини текшириш жараёнида қатнашиш учун сиёсий партиялар вакиллари иштирокига рухсат берилди. Ниҳоят, шикоят ва мурожаатлар масаласи бўйича эса шикоятчиларга янги ҳуқуқ берилди, яъни улар суд иши жараёнида қатнашишлари, сайлов комиссияси ёки куйи суд қароридан норозиликлари тўғрисидаги аризаларини тақдим этишлари мумкин. Берилган бундай ҳуқуқ иш жараёнининг ижобий бажарилишига асосий қафолат бўлади.¹⁹

Бироқ юқорида айтиб ўтилган кичик такомиллашувларга қарамасдан, ЕХХТ/ДИИХИнинг кўпгина олдинги кўрсатмалари, айниқса 2005 йилда ЕХХТ/ДИИХИнинг қонуний баҳолаш бўйича билдирган кўрсатмалари эътиборсиз қолдирилди. Эътиборсиз қолаётган асосий камчиликларга қуйидагилар киради: а) сўз эркинлиги ҳуқуқига бўлган²⁰ конституцион қафолатлар шундай узоқ муддатда шаклланганки, конституцион тартибга нисбатан тинчлик йули билан билдирилган ҳар қандай танқидга нисбатан чеклашлар қўлланилиши мумкин, шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳақиқий демократия хусусияти ҳисобланган жамоавий мунозаралар ва

¹⁷ Каранг. ДИИХИнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сайловлари ҳақидаги қонунга билдирган баҳоси. 2005 йил 21 февраль. <http://www.osce.org/odihr-elections/13445.0.html>.

¹⁸ 17 сентябрда МСК 2009 йил 22 сентябрдаги сайлов ишларини бошлаб юборди.

¹⁹ Сайлов давомида шикоятларнинг йўқлиги сабабли берилган низомдан амалда фойдаланилмади (ушбу ҳисоботнинг XII бўлимига ҳам қаранг).

²⁰ Конституциянинг 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”, деб белгиланган.

плюралистик баҳсларга тўғанок бўлиши мумкин; б) шу сингари, ассоциация эркинлиги ҳуқуқи ҳамда сиёсий партияни шакллантириш ҳуқуқи билан биргаликда ўта катта ва асосиз чеклашларга дуч келиши эҳтимолдан ҳоли эмас; с) ички партиясиз кузатувчилар гуруҳи каби хусусий ташкилотларнинг сайловни кузатиши учун шароитнинг етишмаслиги.

Сўз эркинлиги ва ассоциацияга бўлган чеклашлар иложли боришга камроқ бўлиши ва ушбу чеклашлар халқаро қонунларга мос келиши тавсия этилади. Ҳар қандай чеклашлар қонунда кўзда тутилган бўлиши лозим, демократик жамиятда қонун қадриятини ҳимоялашда асқотадиган ва ижрочи ҳокимиятга баҳолаш учун ҳаддан ташқари кенг мавқега бериб қўймаслик учун мезонларни қисқартиришга хизмат қилиши лозим.

Натижада, 2008 йилдаги баъзи тузатишлар демократик сайловлар ўтказиш учун ЕХХТ кўрсатмаларига зид келмоқда. 1990 йил ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатининг 7.2. параграфи ҳеч бўлмаганда миллий қонунчиликнинг бир палатасида барча жойлар оммавий овоз бериш йули билан сайланишини белгилайди. Юқори палатанинг 100 аъзоси президент томонидан бевосита сайланиши ёки тайинланишини инобатга олсак, Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎзЭХ) учун қуйи палатада 15 та ажратилган жой ушбу мажбуриятга мос эмас. Фуқароларга мустақил номзодлар тайинлаш учун ташаббускор гуруҳлар тузиш имконияти 2008 йилдаги сайлов қонунига киритилган тузатишларга асосан йўқотилди. Ушбу тузатиш 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатининг фуқаролар яқка ҳолда ёки сиёсий партия ёки ташкилотлар вакиллари сифатида сиёсий ёки жамоат идораларига эришиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозимлигини таъминловчи 7.5. параграфига зиддир. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси билан суҳбат қурганлар қонунчиликдаги бу ўзгартиришни парламентнинг парчаланиб кетиши ва экстремистик гуруҳларнинг ташаббускор гуруҳлар орқали парламентга кириб келиши имкониятини йўқотиш учун киритилди дея таъкидлашди.

Қонунчилик ЕХХТ кўрсатмаларига мос равишда тартибга келтирилиши лозим. Қонунчилик 1990 йил ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатининг 7.5. параграфига асосан фуқароларга яқка ҳолда мустақил номзод сифатида ўзини намоён қилиш имкониятини бериши лозим. Шунингдек, у 1990 йил Копенгаген Ҳужжатининг 7.2. параграфига кўра Олий Мажлиснинг камида бир палатасида барча жойлар оммавий овоз бериш йули билан сайланишига ҳам кафолат бериши лозим.

Бундан ташқари, сайлов жараёнларининг маълум аспектида рисоладагидек бошқарувнинг етишмаслиги,²¹ шу жумладан сайловларнинг ўтказилишини, муддатдан илгари ва мобил овоз бериш каби сайлов куни иш тартибини, ҳамда Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎзЭХ),²² вакиллари сайлаш ва тайинлаш борасидаги коникарсиз тартиб-қоидалар, сайлов ташкилотчилари томонидан тегишли шартларни ўзбошимчалик билан бажарилишига ва тушунтириш ишларининг йўқ бўлиб кетишига олиб келди.²³ Ниҳоят, сайлов кампанияси тартиб-қоидаларининг бузилиши

²¹ Масалан, сайлов кампанияларини молиялаштириш жараёнлари ва кампанияда қонунбузарлик ҳолатларида қонун томонидан белгиланган санкцияларнинг етишмаслиги.

²² Масалан, Ўзбекистон Экологик Ҳаракати номзодларининг икки марталаб тайинланишини, яъни бир вақтнинг ўзида ушбу номзодларнинг сиёсий партиялар рўйхатида ҳам бўлиши мумкинлиги олдини олишда қоидаларнинг етишмаслиги.

²³ Масалан, сайлов давомида партиянинг реклама варақаларини партия ўз ҳисобидан нашр қилиши ва тарқатиши мумкинми деган савол юзасидан сайлов ташкилотчиларининг (ОСК,

ҳолатларида қонун томонидан ҳеч қандай чоралар кўрилмайди.²⁴ Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссиясига²⁵ сайлов вақтида қоидабузарлик ҳолатлари бўлмаганлиги ҳақида ҳисобот берган бир пайтда, ҳуқуқий қўлланмалар етишмаслиги бўшлиқ яратиб, бу тегишли ҳукумат органлари томонидан бериладиган тушунтиришларнинг фарқланиши ва қонуннинг тенгсиз равишда бажарилаётганлигига олиб келиши мумкин.

Кампания қоидалари кейинчалик батафсил аниқлаб олиниб, қоидабузарлик ҳолатларида пропорционал санкциялар қўлланилиши тавсия этилади. Бундан ташқари муддатдан илгари ва мобил овоз бериш жараёнлари қонун томонидан тартибга солиниши зарур. Ва ниҳоят, Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎзЭХ) вакилларини сайлаш тартибларини батафсил аниқлаш ва тўлиқ изоҳлаш тавсия этилади.

V. САЙЛОВНИ БОШҚАРИШ

Парламент сайловлари уч босқичдан иборат бошқарма томонидан бошқарилди: Марказий Сайлов Комиссияси (МСК), 135 та Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК), ва 8447 Участка Сайлов Комиссиялари (УСК). Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) – МСК қонуни асосида ташкил қилинган доимий идора.²⁶ У ҳудудий кенгашлар таклифига асосан (Қорақалпоғистон Республикасининг *Жоқорғи Кенеси*, Тошкент шаҳар ва вилоятлар *халқ депутатлари Кенгашлари*) парламент томонидан тайинланган 22 иштирокчини ўз ичига олади.²⁷ (МСК) Марказий Сайлов Комиссиясининг ҳозирдаги иштирокчиларининг ярми ҳуқуқий асосга эга. (МСК) Марказий Сайлов Комиссиясининг 5 та аъзоси комиссияда доимий ишда ишлайди.²⁸ (МСК) Марказий Сайлов Комиссияси веб сайтыга кўра МСК(МСК)нинг 11 аъзоси Тошкентдан ташқарида бўлиб, улар асосан (МСК) сайловларида (йиғилишларида) иштирок этишади.²⁹ (МСК) МСК раиси Ўзбекистон Президенти таклифига асосан унинг аъзолари орасидан сайланган.

27 декабр кундаги сайловда ҳар бир бир мандатли сайлов округи учун биттадан, 135 та Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) ташкил этилди. Уларнинг аъзолари ҳудудий

УСК, партия вакиллари) ҳар хил изоҳлари; муддатдан илгари ва Мобил овоз беришнинг тартибининг тенгсизлиги; шикоят ва мурожаат қилиш тартиблари бўйича бир-бирдан фарқ қилувчи изоҳлар.

²⁴ Мисол сифатида, номзод сайловчиларга совғалар берган ёки сайлов куни ноқонуний тарзда учрашувлар ўтказган ҳолатларда қонун кўрилиши лозим бўлган чораларни белгиламайди. МСК вакиллари ЕХХТ/ДИИХИ Сайловларни Баҳолаш Миссиясига олдин номзодга огоҳлантириш билдирилади ва масалани тинчлик йўли орқали ҳал қилишга ҳаракат қилинишини тушунтириб беришди. Қайта содир этилган тартиббузарликлар номзодни дисквалификация қилишгача олиб келиши мумкин. Гарчи сайлов бошқарувчилари томонидан сайлов кўрсатмаларини бузиш ҳолатларини амалга оширмаган бўлсада, ҳуқуқий шартларнинг номаълумлиги ва ноаниқлиги муаммолидир, чунки бу ҳолат қонуннинг ўзбошимчалик ва тенгсизлик билан бажарилишига олиб келиши мумкин.

²⁵ 2009 йил 29 декабрдаги МСК билан учрашув.

²⁶ Сайлов ҳақидаги қонуннинг 10-моддаси ва МСК қонунининг 1-моддаси.

²⁷ МСК тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига кўра, МСКнинг аъзолари 15 тадан кам бўлмаслиги керак.

²⁸ МСК тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасига кўра, 1 ёки ундан ортиқ аъзолари доимий ишда ишларини МСК ҳал қилади.

²⁹ Қолган аъзолар Тошкентда ишлайди (4 та Олий суд судьялари, Тошкент ахборот-технология университети ректори ва Тошкент вилояти адвокатлар ассоциациясининг Раис ўринбосари).

ҳукумат органи томонидан тайинланган ва Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) томонидан тасдиқланди. Сайлов ҳақидаги қонунга кўра, ҳар бир Округ Сайлов Комиссияси (ОСК) ўз раисига, муовини, котиби ва 6 тадан кам бўлмаган қўшимча аъзоларга эга. Тошкент шаҳри ва вилоятларда ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси аъзолари ташриф буюрган барча Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) Марказий Сайлов Комиссияси тайинлаган сайлов муддатларига рияз қилган ҳолда сайловларга ўз вақтида тайёргарлик кўришган.³⁰

Сайлов ҳақидаги қонунга кўра Участка Сайлов Комиссиялари (УСК) сайлов кунидан камида 40 кун олдин ташкил этилиши лозим. Улар 5 – 19 аъзолардан иборат эди, шу жумладан, Раис, муовин ва котиб. Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) Участка Сайлов Комиссияларини (УСК) маҳаллий ҳукумат номзодлари асосида ташкил этди. Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги ўзига хос ҳудудий муассаса – *маҳалла*,³¹ сайлов маъмуриятига маҳаллий даражада ёрдам кўрсатишда муҳим роль ўйнади. Ҳукукий шартларга кўра, маҳалла идораларига ҳам Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) ва Участка Сайлов Комиссияларининг (УСК) аъзоларини қўйиш ҳукуқи берилди.

Сайловлар жараёнида Марказий Сайлов Комиссияси бир қатор масалалар бўйича йўриқномалар чиқарди, буларга Участка ва Округ Сайлов Комиссиялари даражасида ҳамда мобил ва муддатдан илгари овоз беришда натижаларни таққослаш ва ҳисоблаш жадвалларини ишлаб чиқиш жараёнлари киради. Бироқ, Марказий Сайлов Комиссияси кўрсатмаларида ушбу жиддий масалалар юзасидан асосан сайлов ҳақидаги қонун шартларини қайтарилиб, зарур бандларида батафсил маълумотлар етишмаслиги билинди. Марказий Сайлов Комиссияси худди шу тарзда махсус йўриқнома³² ишлаб чиқди, бу қонун Участка Сайлов Комиссиялари ишини осонлаштириш ва кузатиб бориш учун хизмат қилади. Бироқ, бу йўриқнома сайлов жараёнларида аниқ қўллаш ва тушунишдан йироқ бўлиб, масалан, муддатдан илгари ва мобил овоз бериш ва кампанияни молиялаштириш каби зарур бандларига етарлича аниқлик киритмади. Бундан ташқари, МСК йўриқномалари ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган Участка Сайлов Комиссияларида ҳар доим ҳам мавжуд эмас эди. Сайлов билан боғлиқ маълум информацион маълумотлар Марказий Сайлов Комиссияси янгилеклар бюллетенида³³ чоп этилган эди. Марказий Сайлов Комиссияси Округ Сайлов Комиссиялари раислари ва котиблари учун сайлов жараёнлари билан боғлиқ бўлган ўқув ишларини олиб борди, улар эса ўз навбатида Участка Сайлов Комиссиялари раислари ва котиблари билан ўқув ишлари олиб боришлари керак эди. Сайлов кунда ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган

³⁰ МСКнинг 2009 йил 14 июлдаги Қарори “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Календарь режаси”.

³¹ Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 105-моддасига асосан, “Шахарча, кишлок ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фукароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оксоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”. *Маҳалла* худудларда жамоавий ишларни бошқарувчи восита ва аҳоли эҳтиёжларини ҳокимиятга намойиш қиладиган форумдир.

³² 2009 йил 17 сентябрда қабул қилинган ва қуйи даражадаги сайлов маъмуриятига тарқатилган “Участка Сайлов Комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома”.

³³ 2009 йил учун ягона ҳажм 7 октябрда чиқарилган эди ва бошқа маълумотлар билан биргалекда яқинлашиб келаётган сайловлар ҳақидаги МСК тадбирлар календар режаси ва сайлов участкаларида фойдаланиш учун сайлов натижалари баённомаларининг намуналарини ўз ичига олган.

санокли сайлов участкаларида ўқув курслари мавжуд муаммоларни енгил учун етарли даражада бўлмаган кўринди.

Марказий Сайлов Комиссияси йўриқномалари қонунни қайтариши ўрнига, мавжуд ҳуқуқий шартларни тушунтириши ва тўлдириши лозим. Шунингдек, юқори даражали сайлов комиссияси томонидан Участка Сайлов Комиссиялари аъзоларини тўлиқ ва такомиллаштирилган ўқув ишлари кўриб чиқилиши мумкин эди.

ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссиясининг Марказий Сайлов Комиссиясининг ёрдамга тайёр ва ҳамкор бўлган аъзолари билан доимий алоқалари бор эди. 2009 йилнинг 17 сентябридан 23 декабригача Марказий Сайлов Комиссияси 11 та сессия ўтказди, ва сайловгача 52 қарор қабул қилди. Улардан фақатгина 9 таси веб сайтда маълум қилинди, бу йул билан улар сайловнинг очиқлигини чеклашди. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси Марказий Сайлов Комиссияси ўтказган сессиянинг баённомаларини олди, лекин баённомаларнинг бошқа жойларда чоп этилганлигидан беҳабар.

Очиқ-ойдинликни ошириши мақсадида сайлов комиссиясининг сессияларини кузатувчилар учун очиқ бўлишини ва Марказий Сайлов Комиссиясининг барча қарорлари оммага эълон қилиниши лозимлигини кўриб чиқиши зарур.

ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси расмий ҳужжатларни босиб чиқаришга ихтисослаштирилган босмахонада нашр қилинаётган сайлов бюллетенларининг нашр қилинишини кузата олди. Сайлов бюллетенлари ҳимоя хусусиятларига эга қоғозда чоп этилди. Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) келтирган маълумотларга асосан Марказий Сайлов Комиссияси жами 17 302 000 та сайлов бюллетенларига буюртма берган.³⁴ Ушбу бюллетенлар 21 декабр куни Округ Сайлов Комиссияларига (ОСК) юборилган, улар эса ўз навбатида 24 декабр кунигача Участка Сайлов Комиссияларига (УСК) жўнатилиши лозим эди.

Мамлакатдан ташқарида сайлов 44 та сайлов участкаларида, яъни элчихоналар ва консул идораларида ўтказилди. Мамлакатдан ташқарида сайлов учун Марказий Сайлов Комиссияси 14 600 тага яқин сайлов бюллетенларини тегишли сайлов участкалари учун берилди.³⁵ Марказий Сайлов Комиссияси қарорига кўра мамлакатдан ташқаридаги сайловлар натижалари 126 Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) (Тошкент шаҳри) натижаларига қўшилган. Марказий Сайлов Комиссияси хабарига кўра, мамлакатдан ташқарида берилган овозлар натижаси ва чет элда сайлаганлар ҳақидаги натижалар ҳам оммага маълум қилинмайди, чунки бунга ҳеч қандай ҳуқуқий мажбуриятлар мавжуд эмас.

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ

18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки жиноий суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш

³⁴ Сайлов тўғрисидаги қонуннинг 36-моддасига кўра бир сайлов участкаси учун 0.55 фоиз захирани ўз ичига олган ҳолда.

³⁵ ЕХХТ/ДИИХИ Сайловларни Баҳолаш Миссиясига бюллетенлар сони 2009 йилнинг 21 декабрда берилди.

жойларида сақланаётган бўлмаса, овоз бериш ҳуқуқига эга.³⁶ Ҳар бир сайловчи фақат бир сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайлов ҳақидаги қонунга кўра сайлов бюллетенлари ҳар бир участка сайлов комиссиясидан (УСК) тегишли ҳудудий идора вакиллари билан биргаликда йиғилиши лозим. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси бундай идорага маҳалла қўмиталарини энг мос деб топди. Ҳарбий қисмларда жойлаштирилган сайловчилар рўйхати уларнинг оила аъзолари ва бошқа фуқаролардек, ички қисмларда тегишли бўлимлар раҳбарияти маълумотлари асосида йиғилди. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшайдиган ҳарбийлар ўзлари яшайдиган манзил бўйича рўйхатга киритилдилар.

Судда иши дастлабки кўрилишигача қамокда сақланган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга. Марказий Сайлов Комиссияси аҳлоқни тузатиш муассасалари раҳбарлари ўз қарамоғида бўлган фуқароларнинг сайлов аризаларини энг яқин сайлов участкасига жунатишлари зарур эканлиги ҳақида ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссиясига хабар берди. Бу участкалар эса ўз навбатида ушбу фуқароларнинг доимий рўйхатдан ўтган манзилдаги сайлов участкасидан уларни у ердаги сайловчилар рўйхатдан ўчириб ташлашларини суради. Сайлов куни сайлов бюллетенлари учун мобил кутиларни судгача аҳлоқни тузатиш муассасаларига юборилади. Бу жараён сайлов ҳақидаги қонунда ва на мобил овоз бериш йўриқномаларида белгилаб қўйилмаган. Марказий Сайлов Комиссияси ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссиясига амалда бундай аризалар қабул қилинмаганлигини маълум қилди.

Сайловчилар рўйхати сайлов кунидан 15 кун олдин сайлов участкаларида омма эътиборига ҳавола этилиши лозим. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссиясининг баъзи сайлов участкаларига қилган ташрифи ушбу участкаларда сайловчилар рўйхати жойлаштирилиб, оммага маълум қилинганлигини тасдиқлади. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси баъзи сайлов участкаларида қонун бўйича белгиланган 3000 дан ошмаган сайловчи бўлиши лозимлигига қарамасдан сайловчилар сони ошиб кетганлигини кузатди. Сайловчилар рўйхатини тузиш бўйича ҳеч қандай шикоятлар тушмади. Сайлов ҳақидаги қонунга кўра, сайловчилар рўйхатига киритилмаган сайловчилар сайлов куни ўз шахсини, фуқаролигини ва яшаш манзилини тасдиқлагандан сўнг қўшимча рўйхатга киритилишга ҳақли. Марказий Сайлов Комиссияси хабарига кўра 27 декабр сайлов куни рўйхатдан ўтган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлар сони 17 215 700 ни ташкил қилди.

ЕХХТ/ДИИХИ 2004 ва 2007 йилларда берилган якуний ҳисоботлардаги кўрсатмалари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳукумат органлари бир неча мартаба киритишлар эҳтимолларини аниқлаш учун назорат тегишувларини таъминлайдиган марказлаштирилган сайловчилар рўйхатини жорий қилишни кўриб чиқиши мумкин.

VII. НОМЗОД ҚЎЙИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Сайлов ҳақидаги қонунга кўра 25 ёки ундан катта ёшдаги Ўзбекистон фуқаролари ва мамлакатда сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида яшаган кишилар номзод бўлиш ҳуқуқига эга. Номзодлик ҳуқуқига эга бўлмаганларга

³⁶

Сайлов ҳақидаги қонуннинг 2-моддаси, Конституциянинг 117-моддаси.

қуйидагилар киради: а) оғир жиноят учун илгари судланган фуқаролар;³⁷ б) сайлов тайинланган кунга қадар сўнги беш йил мобайнида мамлакатда доимий яшамаган фуқаролар; в) Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ва г) диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

1990 йил ЕХХТ Копенгаген Хужжати 5.19 параграфида келтирилган Айбсизлик презумпцияси принципи номзодлар мувофиқлигига нисбатан қўлланилиши лозим. Бундан ташқари, сайловларда ўз номзодини қўйиши ҳуқуқига бўлган ҳар қандай чеклаш объектив ва адолатли мезон бўйича ўринли бўлиши лозим.³⁸ Индивидуал имтиёзларни истисно қилиш суд ижроси орқали асосланган бўлиши лозим ва жиноий жавобгарликка тортилиши ҳолати жиноятга нисбатан пропорционал бўлиши кенг маънода эътироф этилган.

Юридик шартларга кўра, 23 октябр ва 12 ноябр оралигида сиёсий партиялар номзодларни тайинлаши мумкин эди.³⁹ Ўз номзодларини тайинлаши учун сиёсий партия Сайлов бошланишидан камида 4 ой олдин Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтган бўлиши лозим ва сайловчилардан 40 000 та қўллаб-қувватловчи имзолар тўплаган бўлиши керак. Улардан саккиз фоиздан кўп бўлмаган қисми битта маъмурий бошқармада тўпланган бўлиши зарур. Имзоларни тўплаш жараёнида сиёсий партия квалификациян муаммога дуч келиши мумкин, чунки сайловчини бутунлай назорат қилиб булмайди, у бошқа аризаларга ҳам имзо қўйган бўлиши мумкин. Бу шартлар хавотирлик уйхотади, чунки у нотўғри мақсадда ишлатилиб, сайловда қаллобликка йул очиб бериши мумкин.

Сайловчига бир нечта номзодни қўллаб-қувватлаш имкониятини бериш имконини беришни кўриб чиқиши лозим.

Марказий Сайлов Комиссияси тақдим этилган рўйхатларни аниқлаб олиш учун оммавий рўйхатга олиш ишлари билан шуғулланадиган экспертларни жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳ тузиб, улар билан биргаликда текширув ишларини олиб борди. Намунадаги 15 фоиздан ортиқ бўлмаган имзолар текшириб чиқилди. 10 фоиздан ортиқ имзолар бекор қилинган ҳолатда, текширув ишлари тугатилади. Жараённинг адолатли мезонларини ошириш учун рўйхатдан ўтган партиялар вакилларига имзоларни текшириш жараёнида иштирок этишларига рухсат берилди⁴⁰. Барча партиялар бу имкониятдан фойдаланишди.

27 декабрдаги сайловларда тўртта сиёсий партиялар томонидан тайинланган умумий ҳисобдаги 504 нафар номзодлар мусобақалашди (132 Либерал Демократик Партиядан 132 та, Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП) дан 128 та, Ўзбекистон

³⁷ Оғир жиноят деб Ўзбекистон жиноят кодекси бўйича 5 йилдан ортиқ қамоқ муддати тайинланадиган жиноят ҳисобланади. Аввалги қонунчиликда ҳар қандай жиноий айблов номзод қабул қилинишига тўсқин бўлар эди.

³⁸ Қаранг. БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси томонидан қабул қилинган Умумий Тавсифлар 25, 15 параграфида.

³⁹ Сайлов тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасига кўра номзодни тайинлаш муддати сайловдан 65 кун олдин бошланиб сайловга 45 кун қолганда тугайди. Партия ҳар сайлов участкаси учун фақатгина битта номзод тайинлаши мумкин, яъни умумий олганда 135 тагача.

⁴⁰ Сайлов тўғрисидаги қонуннинг 23¹-моддаси ва МСК қоидалари «Сиёсий партияларнинг имзо тўплаш жараёнлари ва тўпланган имзо рўйхатларининг тўғрилигини аниқлаш ҳақида», МСКнинг 2009 йил 17 сентябрдаги 417-сонли қарори.

Миллий Тикланиш Демократик Партиясидан 124 та, Адолат Социал Демократик Партиясидан 120 та). Дастлабки рўйхатдан ўтган номзодларнинг 517 тадан 13 таси бекор қилинди.⁴¹ Сайлов ҳақидаги қонуннинг 31-моддаси сиёсий партияларга сайловдан 5 кун олдин маълум номзодларини бекор қилиш ҳуқуқини беради. Номзодларнинг ўзига эса ўз номзодларини сайловдан бир кун олдин ўз номзодларини бекор қилишга рухсат берилади. Улар фақатгина Марказий Сайлов Комиссиясига ариза беришлари лозим. Бир қанча сайлов участкалари комиссиялари бекор қилинган номзодларнинг исмларини сайлов бюллетенларни олганларидан сўнг ўчириб ташлашга мажбур бўлишди. Сайлов ҳақидаги қонунга 2008 йилда киритилган қўшимчалардан сўнг тегишли сайлов участкасида рўйхатдан ўтишга рухсат этилган ҳар бир номзоднинг ишончли вакиллари сони 5 тадан 10 тагача оширилди. Ушбу вакиллар номзод номидан учрашувлар ўтказишди ва номзоднинг мақсадларини сайлов комиссиясида ва жойларда таништиришди.

Маҳалла идоралари парламент сайловлари учун номзод таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлмасада, амалда улар номзодни тайинлаш жараёнида бевосита ўрин тутди.⁴² Барча сиёсий партиялар ЕХХТ/ДИИҲИ Сайловни Баҳолаш Миссиясига номзодларни белгилаш вақтида улар маҳалла қўмиталари раислари билан яқин ҳамкорликда ишлашди, улардан номзоднинг жамоадаги ҳолати ва обру-эътибори ҳақида маслаҳатлашганликларини таъкидлашди.

VIII. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ

Сайлов кампанияси ўз ишини жуда секинлик билан бошлади, фақатгина охири ҳафтада ўз фаолиятини биров жадаллаштирди. Рўйхатдан ўтган туртта сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари Марказий Сайлов Комиссиясидан рўйхатдан ўтишлари билан учрашувлар ўтказишни бошлаб юбориши мумкин эди. Номзодлар сайловчилар билан фақатгина ҳудудий маҳаллалар ёрдами билан асосан жамоат биноларида уюштирилган йиғилишларда учрашишди.⁴³ Ушбу йиғилишларда сайловчиларга оз маълумотлар тақдим этилди. Ушбу маълумотларнинг деярли барчаси бир хил бўлиб, улар файси партияни ифодалаётганликларини аниқлаш қийин эди. Реклама варақалари ва брошюралар, номзоднинг фотосурати бўлган кичик календарлар номзодлар билан бўлган учрашувларда сайловчиларга тарқатилди. Барча партиялар шаҳар ва туманларда эълонлар тахтасида сўнгги ҳафта давомида маълумотлар жойлаштирдилар. Бу борада Либерал Демократик Партияси ва Адолат Социал Демократик Партияси фаоллик кўрсатишди. Фарқлар партиялар платформаларида мавжуд эди, лекин ЕХХТ/ДИИҲИ Сайловни Баҳолаш Миссияси партиялар ўртасида бирон-бир сиёсий масала юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар олиб борилмаганлигини кузатмаганлиги боис уларни ажратиш қийин эди. Телевидение орқали номзодлар билан бўлган ток-шоуларни намойиш этилди, аммо турли партиялар

⁴¹ Бекор қилинганлар Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП) дан 6 та, Адолат Социал Демократик Партиясидан 3 та, Либерал Демократик Партиядан 3 та ва Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик Партиясидан 4 та номзод рўйхатдан ўтказишга рад этилган, бунга сабаб улар сайланган тақдирда ўз фаолиятларини тўхтатишлари ҳақида ариза беришмаганликларидир.

⁴² «Фукарорларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари тўғрисидаги» (маҳалла ҳақида қонун) қонуннинг 10-моддасига кўра, маҳалла қўмиталари туман ва шаҳар кенгашлари учун номзод тайинлаш ҳуқуқига ҳали ҳам эгадир.

⁴³ Номзодлар билан учрашувларни сиёсий партияларнинг ўзи уюштирган бўлиб, фақат жой ва вақт каби масалалар юзасидан тегишли сайлов участкаси келишиши лозим эди (Сайлов ҳақидаги қонун 27-модда).

номзодларининг мунозаралари ҳақидаги кўрсатувлар жуда кам эди. Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик Партиясига мадад сифатида битта SMS матнли хабарнома *Ucell* компаниясининг барча абонентларига жўнатилган.⁴⁴

Сайлов ҳақидаги қонун барча номзодларга сайлов олди кампанияларида иштирок этиш учун бир хил шароитлар билан таъминлаш вазифасини Марказий Сайлов Комиссиясига юклайди. Сайлов кампаниялари фонди фақатгина Марказий Сайлов Комиссияси орқали ўтиши лозим.⁴⁵ Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонунга кўра давлат томонидан сайлов олди учрашувларни ўтказиш учун молиялаштириш миқдори ҳар бир партия тайинлаган номзодлар сонига асосланган ҳолда ҳисобланган. Ушбу сайловларда сайлов олди кампаниялари ўтказиш учун ҳар бир номзод 1,1 миллион Сум (тахминан 500 ЕВРО атрофида) олган. Сиёсий партияларни молиялаштириш ҳақидаги қонун, парламентда тўққизтадан кам жой (фракция ташкил қилиш учун қворум)⁴⁶ олган партиялар сайлов олди учрашувлар учун олинган пул миқдорини қайтариб беришлари зарурлигини белгилайди. Мазкур сайловларда барча партиялар тўққизтадан кўп ўринга эга бўлганликлари туфайли ушбу ҳолат аҳамиятга эга бўлмади. Сиёсий партиялар ўз маблағлари ҳақида ҳар йили маълумот бериб туришлари зарур.⁴⁷

Хусусий равишда маблағ ажратишлар ҳам назарий жиҳатдан мумкин бўлиб, лекин улар МСК орқали жўнатилиши лозим ва МСК берилган пулни барча партияларга тенг миқдорда тақсимлаб тарқатиб юборар эди. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссиясига мазкур сайловлар давомида Марказий Сайлов Комиссиясига хусусий равишда пул келиб тушмаганлиги билдирилди. Сайлов олди кампанияларида сайловчиларга пул ёки совғалар (яъни товар ва хизматлар кўрсатиш) бериш қатъиян ман этилган. Сайлов кунидан олдин сукунат даври бўлмайди. Бироқ сайлов кунининг ўзида учрашувлар ўтказишга рухсат берилмайди.

IX. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

A. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

Рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг сони кўпчиликни ташкил қилсада, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг муҳити мустақил ва плюралистик ОАВ нинг йўқлиги билан белгиланади.⁴⁸ Чекланган босма ахборот ва телевидение ва радио ахбороти сиёсат ҳақидаги энг муҳим манба ҳисобланади. Давлат томонидан молиялаштирилган Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси (ЎзМТРК) асосий теле ва радио органи бўлиб, тўртта телеканал (иккитаси умуммиллий аҳамиятга эга: “Ўзбекистон” телеканал ива “Ёшлар” телеканалли) ва тўртта радиоканал, жумладан 16

⁴⁴ Матн сўзлари: «Бизнинг номзодларга овоз беринг! Миллий Тикланиш Демократик Партияси».

⁴⁵ Сайлов ҳақидаги қонуннинг 64(1)-моддаси Сиёсий партияларни молиялаштириш ҳақидаги қонуннинг 8-моддаси билан биргаликда.

⁴⁶ 2002 йилдаги Олий Мажлис қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси.

⁴⁷ Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонуннинг 17-моддаси. Сиёсий партиялар фаолияти борасида молиявий ҳисобдорлигини назорат қилишга Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, парламент аудит органи ва Адлия Вазирлиги ҳакли; МСК эса сайлов кампаниялари олган маблағларни кўриб чиқишга жавобгар (16- модда).

⁴⁸ Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот Агентлигининг маълумотида кўра 78 та телевизион ва радио компаниялар, 939 та босма ОАВи, 65 та вебсайт ва 4 та янгиликлар агентлиги расмий рўйхатдан ўтганлар.

та вилоят телерадио станцияларни ўз ичига олади. Учинчи умуммиллий аҳамиятга эга телеканал – НТТ хусусий телеканалли.

Матбуот бозори кундалик нашр этиладиган учта марказий газета билан яхши ривожланмаганлигича қолмоқда.⁴⁹ Интернетдан фойдаланиш чекланган ва асосан Тошкент шаҳрида ва бошқа марказий шаҳарларда тарқалган. Давлатга қарашли Ўзбек Телеком компанияси Ўзбекистонда интернет хизматларини кўрсатиш соҳасида монополист ҳисобланади. Баъзи вебсайтларга кириш таъқиқланади.⁵⁰ Ўзбекистондаги ОАВ журналистларнинг малакасини оширувчи ўқув курслари етишмаслигидан, ҳамда тадқиқий ва аналитик ахборот беришнинг умуман имконияти йўқлигидан азият чекади. Ўзбекистонда халқаро журналистлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган журналистлар Ташки Ишлар Вазирлигида аккредитациядан ўтишлари лозим.

Б. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ

Конституцияда сўз ва фикр билдириш эркинлиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ конституциянинг 29-моддасига кўра қонунлар бу ҳуқуқни (бу ҳисоботнинг IV бўлимига қаранг) чегаралаб қўйиши мумкин. Шунга ўхшаб ОАВ тўғрисидаги бир қанча қонунлар⁵¹ цензурани таъқиқлаб қўйган, Матбуот эркинлигини таъминлаш тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасига кўра эса “жамиятнинг маънавий қадриятлари, миллий хавфсизлиги, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий потенциалини химоя қилиш учун” жамиятни бохабар қилиш эркинлиги чегараланган. ОАВ тўғрисидаги қонун давлат сирини,⁵² ҳисобланадиган исталган маълумотни чоп этиришни чегаралаб қўяди, чунки бундай маълумотда конституцион тартибни издан чиқишига сабабчи ёки давлат яхлитлигига хавф соладиган, фуқароларнинг ғурур ва ифтихорини поймол қилиш каби мақсадлар яширинган бўлиши мумкин. Бундан ташқари қонун интернет вебсайтларини ахборот тарқатадиган восита сифатида кўради ва бу борада ОАВ учун алоҳида тартиб-қоидаларни жорий қилди, шу қоидаларга асосан ОАВ ўзи тарқатган маълумотнинг тўғрилигига ва бегаразлигига жавобгар бўладилар. Жиноят кодексига асосан уйдирма ва тўхмат учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, президентни ҳақорат қилиш ва унга тўхмат қилганлик учун эса беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

ЕХХТ нинг Матбуот Эркинлиги вакили (МЭВ) ОАВ тўғрисидаги қонунини либераллаштириш таклифи билан Ўзбекистон ҳукуматига бир неча марта мурожаат қилди.⁵³ МЭВ таъкидлашича, мустақил журналистлар наркотик моддаларини

⁴⁹ Ҳукуматнинг расмий газетаси *Правда Востока*, ҳамда парламент ва ҳукуматнинг иккита умумий газетаси *Народное Слово* (рус тилида) ва *Халқ Сўзи* (ўзбек тилида).

⁵⁰ ЕХХТ/ДИИХИ Сайловларни Баҳолаш Миссияси интернетга уланмоқчи бўлганида *Deutsche Welle* ва Озод Европа Радиоси/Озодлик Радиоси (RFR/RL) каби алтернатив фикрларга эга интернет сайтга кириш тўсилган.

⁵¹ 1997 йил қабул қилинган ОАВ тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига 2007 йил 15 январиди охириги ўзгартириш киритилган; журналистлар профессионал фаолиятини химоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси 1997 йилда қабул қилинган; Нашриётлар фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси 1996 йилда қабул қилинган ва унга 2002 йилда охириги ўзгартириш киритилган.

⁵² Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунда давлат сирларини давлат сирлари, харбий сирлар ва расмий сирларига ажратилган. Давлат сирларига, бошқа сирлар қатори сиёсий, иқтисодий ва илмий сирлар қиради.

⁵³ Қаранг http://www.osce.org/fom/item_1_31734.html.

саклаётганлиги ҳақидаги шубҳалар билан “сохта жиноий айбловлар” га дуч келишлари мумкин.⁵⁴

Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг ОАВ га тааллуқли бандлари жуда қисқа ва умумлаштирилгандир. Бу бандларга мувофиқ номзодлар ва сиёсий партиялар ОАВ дан тенг равишда фойдалана олиш ҳуқуқига эгалар. Сайловлар тўғрисидаги қонунда ифодаланишича, Марказий Сайлов Комиссиясининг сиёсий партиялар билан тузган келишувига мувофиқ ОАВ дан фойдаланиш тартибларини белгилаб олади. Сайлов тўғрисидаги қонунга асосан давлат ва хусусий ОАВ орасида фарқ ажратилмайди. Қонунга қўшимча қилиш мақсадида Марказий Сайлов Комиссияси сайлов арафасида бир қанча қарорлар чиқарди. Ўзининг 13 ноябрда чиқарган қарорида,⁵⁵ Марказий Сайлов Комиссияси барча сайловдаги партиялар учун давлат ОАВ да бепул эфир вақти билан таъминлади. Ҳар бир сиёсий партия ўзининг сиёсий кампанияларини олиб боришлари учун ЎзМТРКда ҳафтасига 40 дақиқа эфир вақти ва учта кундалик давлат газеталарида ҳафтасига икки марта мақолани чоп этиш учун ярим саҳифа жой ажратилди. Марказий Сайлов Комиссиясининг бошқа қарорига асосан номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайлов кампаниялари ОАВ орқали тенг ёритилиши лозим.⁵⁶ Марказий Сайлов Комиссиясининг мазкур қарори сиёсий партияларга қўшимча эфир вақти ва жойларни сотиб олиш ҳуқуқини беради, ҳамда айни вақтда сайловдаги ҳар бир партиялар учун уларнинг нарҳи ва тўлов шакллари бир хил бўлишини белгилайди.

Бу қарорда тўланган вақт ва жойлар қандай тақсимланиши ҳақида батафсил маълумот йўқлиги натижасида ОАВларнинг қарорни турлича қўллашига олиб келади. Қонун талабига жавоб бериш мақсадида баъзи ОАВ эфир вақтини бир партияга ажратган ҳолатида бошқа партияларни бу ҳақида хабардор қилди ва уларга ҳам худди шундай имкониятлар таклиф этди. Бошқа ОАВ сайловдаги барча партияларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш мақсадида бир номзод ёки партияга эфир вақти ва жойини ажратишдан аввал уларга рақиб бошқа партиялардан уларнинг эфир вақтини олиш ниятлари йўқлигини билдирувчи ёзма тарздаги ҳужжат тақдим этишни талаб қилдилар. Баъзи ҳолларда ОАВ номзодлар бундай аризалар билан Марказий Сайлов Комиссияси ёки тегишли Округ Сайлов Комиссияларига мурожаат қилишни таклиф қилдилар.

“Ўзбекистон” телеканали ва НТТ хусусий телеканали сайловга бағишланган махсус 10 дақиқалик янгиликлар дастурини намойиш этди. Улар тегишли равишда “Сайлов

⁵⁴ Бошқа матбуот нашрлари қатори ЕХХТ нинг Матбуот эркинлиги вакилининг матбуот нашрларига қаранг:

http://www.osce.org/fom/item_1_34363.html ва http://www.osce.org/fom/item_1_39171.html.

Шунингдек, БМТ нинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасининг (CCPR/C/UZB/CO/3) 2010 йил 25 мартда олиб борган кузатувлар натижасига қаранг. Бу кузатувлар жараёнида мазкур орган Ўзбекистонга журналистларни ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчиларни касбий иш фаолияти вақтида таъвоуз, таҳдид ва қўрқитувга учраганликлари учун уларни самарали ҳимоялаш мақсадида керакли чора-тадбирлар ўтказилиш таклифини берди (§24).

⁵⁵ "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти ўтказишда ОАВдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги" МСК Низоми, 2009 йил 13 ноябрь (МСКнинг сиёсий партиялар сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори).

⁵⁶ "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти ўтказишда ОАВдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги" Марказий Сайлов Комиссияси Низомининг 16-банди, 2009 йил 17 сентябрь (Марказий Сайлов Комиссиясининг ОАВ дан фойдаланиш тўғрисидаги Низоми).

янгиликлари” ва “Сайлов-2009” деб номланди. Дастлаб бу дастурлар ҳафтасига бир марта эфирга берилди. Сайлов кунидан икки ҳафта олдин уларнинг эфирга чиқиш сони кўпайди.⁵⁷ Бу дастурларда сиёсий партиялар учун тенг вақт ажратилди. “Ўзбекистон” телеканалидаги дастурда Марказий Сайлов Комиссияси фаолиятига, НТТ телеканалида сиёсий партиялар фаолиятига эътибор қаратилди. Ижобий томондан, “Ўзбекистон” телеканали битта сайлов баҳсини, НТТ телеканали эса олти баҳсни уюштирди. Бу сиёсий партиялар ва номзодларга ўз фикрлари билан алмашиш имконини берди.

С. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ САЙЛОВНИ ЁРИТИШ ИШЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ОАВ да сайловларнинг боришини 7 декабрдан бошлаб кузата бошлади. ОАВ таркибига учта ТВ станциялар ва бешта газета кирди, улар сайловлар боришини миқдорий ва сифатли таҳлил қилдилар.⁵⁸ ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси кетган вақт миқдорини ва ҳар бир номзод ёки партия учун ажратилган жойни, уларнинг қамраб олиш доирасини баҳоладилар. Сиёсатга тааллуқли бошқа масалалар ҳам, масалан президент, давлат ва Марказий Сайлов Комиссиясига доир масалалар ҳам таҳлил қилинди.

Кузатув натижалари шуни кўрсатадики, ОАВ сайлов кампаниясини прайм-тайм янгиликларда ёритишга чекланган эътибор қаратиб, сиёсатга оид масалаларни Президент Каримов сиёсатига бағишлади. ЎзТРК Президент билан боғлиқ воқеаларни, жумладан Конституция кун муносабати билан унинг 5 декабрда қилган нутқини 25 декабрга қадар қайта-қайта намойиш этилди. Сайлов кампанияси ва унга тегишли бўлган маълумотлар прайм-тайм янгиликлари вақтида “Ўзбекистон” телеканалида 9 фоизни, “Ёшлар” телеканалида 5 фоизини ташкил қилди. НТТ хусусий телеканалидаги янгиликлар дастурининг 15 фоизи сайлов жараёни тўғрисидаги мавзуга сарф қилинди.

ОАВ орқали олиб борилган кузатувлар натижаларига кўра, қонунчилик талабларига асосан ОАВ партиялар учун эфирни тенг тақсимлаб бера олмади. Иккита давлат телеканали эфир вақтининг ярмидан кўпини президент (“Ўзбекистон” телеканалида 62 фоиз ва “Ёшлар” телеканалида 57 фоизни) ва 12 фоизини давлат мавзулари учун ажратди. Эфирнинг бундай қамраб олиниши деярли ижобий аҳамият касб этди. Сайловдаги партияларнинг эфирдаги вақти иккита давлат телеканалида турлича бўлди. “Ўзбекистон” телеканали прайм-тайм янгиликлари вақтида ўзининг сиёсий масалаларга доир хабарларнинг 10 фоизини ЎзЛиДеПга, 6 фоизини Ўзбекистон ХДП га, 2 фоизини ЎзЭХга, 1 фоизини *Миллий Тикланиш* ва 0,3 фоизини *Адолат* партияси учун ажратди. “Ёшлар” телеканали прайм-тайм янгиликлар вақтининг 16 фоизини ЎзЭХга, бошқа сиёсий партияларга жами 4 фоизини ажратиб бунда ЎзЛиДеП энг кўп қисмга эга бўлди.

⁵⁷ ЕХХТ/ДИИХИ Сайловларни Баҳолаш Миссиясининг кузатувлар жараёнида “Ўзбекистон” телеканали бундай дастурларни эфирга беш марта, НТТ хусусий телеканали эса тўққиз марта эфирга узатди.

⁵⁸ “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” давлат телеканаллари, ҳамда НТТ хусусий телеканали, учта расмий кундалик газета *Правда Востока* (рус тилида), *Народное Слово* (рус тилида), *Халқ Сўзи* (ўзбек тилида), жумладан иккита хусусий ҳафталик газета *Жамият* (ўзбек тилида) ва *Даракчи* (ўзбек тилида).

Давлат телеканалари билан таққослаганда, НТТ хусусий телеканалнинг янгиликлар дастурлари сиёсий партиялар фаолиятини кўпроқ ёритди. Президент телевизион эфирнинг энг кўп 24 фоизини ташкил қилди, бу кўрсаткич давлат ОАВ даги кўрсаткичдан анча пастдир. ЎзХДП ва *Миллий Тикланиш* партиялари деярли бир хил кўрсаткичга - 22 ва 23 фоизга эга булдилар. *Адолат* партияси ва ЎзЭХ 7 фоиз олдилар ва ЎзЛиДеП 6 фоиз билан чегараланди. Бир хил эфир вақти ажратилмаганлиги тўғрисидаги ҳуқуқий талабларга риоя қилинмаганлиги тўғрисида Марказий Сайлов Комиссияси томонидан ҳеч қандай шикоятлар тушмади. Марказий Сайлов Комиссияси келтирган маълумотига асосан, МСК ОАВ да узи назорат ишлари олиб борганлигини таъкидлади, лекин бу ҳақида ҳисобот ва маълумот мавжуд эмас.

ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссиясининг ОАВ кузатувлари натижасига кўра, Марказий Сайлов Комиссиясининг 13 ноябрдага қарориги мувофиқ барча сиёсий партияларга бепул эфир вақти тенг тақсимланган. Кузатувга асосан, партиялар уларга ажратилган бепул эфир вақтини ўзларининг сиёсий дастурларини тақдим қилиш учун сарфладилар.

Уччала давлат газеталари сиёсий рақиблар учун бепул босма майдон ажратиш мажбуриятларини бажардилар. Бу газеталар фақатгина сайлов кампанияларнинг айрим жавҳаларини ёритди. Хусусий оммавий алоқа воситалари ҳам сайлов рақибларига мақола учун саҳифаларидан озгина жой ажратди. Улар сайловлар ҳақида ҳисоботлар бериб, “*Жамият*” газетаси ўз диққатини ЎзЭХга, “*Даракчи*” газетаси эса Миллий Тикланиш партиясига қаратди.

Х. САЙЛОВДА АЁЛЛАР ВА КАМЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ МИЛЛАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Конституцияга асосан аёллар эркакларга сингари тенг ҳуқуққа эга. Сайловлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ партия номидан кўрсатилган номзодлар сонининг камида 30 фоизини аёллар ташкил қилиши лозим.⁵⁹ Амалдаги қуйи палатада аёллар 17,5 фоизни ташкил қилади.⁶⁰ Умуман олганда аёллар Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иш олиб бормаидилар, шунингдек барча микёсдаги қарор чиқарувчи лавозимларда ҳам тўлиқ фаолият кўрсатмайдилар.⁶¹ Юқори палатадаги 100 сенатордан фақатгина 15 нафарини аёллар ташкил этади. Суд органларида аёллар 21,9 фоизни ташкил қилдилар.⁶² Урф-одатлар ва маданий турмуш тарзи аёллар учун сиёсат билан шугулланишда, эркакларга нисбатан қийинчилик туғдиради.

Қонунчилик талабларига кўра аввалда рўйхатга олинган 517 та номзоднинг 165 нафарини (31,9 фоизи) аёллар ташкил қилди.⁶³ Рўйхатга олинган тўртта партия таркибида аёллар бўлими бўлиб, улар партиянинг янги тарафдорларини жалб қилдилар ва аёл сайловчилари билан иш олиб боради. Аёл ва эркак ҳуқуқларининг

⁵⁹ ЎзЭХ нинг 15 нафар вакилини тўғридан-тўғри сайлашда ҳеч қандай ҳуқуқий талаблар (яъни минимал квоталар талаби) қўйилмаган.

⁶⁰ Каранг. IPU, Women in National Parliaments, <http://www.ipu.org/wmn-e/classif.htm>.

⁶¹ Каранг. Аёллар ҳуқуқини чеклаб қўйилиши тўғрисидаги БМТ кўмитасининг (CEDAW) берган кўрсатмаларига қаранг: Ўзбекистон, 2006 йил 25 август, 5-бет. <http://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/cedaw36/cc/uzbek/0647840E.pdf>.

⁶² Ўзбекистон Аёллар Кўмитаси 2008 йил 1 январда тақдим этган статистик маълумотлари.

⁶³ 13 киши ўз номзодини қайтариб олди. Уларнинг ҳаммаси эркаклар бўлиб бу ҳаракатлари билан аёллар сонини сезиларли 32,7 фоизгача оширдилар.

тенглиги тўғрисидаги масалалари умуман олганда бу сайлов жараёнларида партияларнинг сиёсий қарашларида ёритилмади ва аёллар масалаларига сайлов кампанияси муҳокамаларида алоҳида тўхталиб ўтилмади. Оммавий ахборот воситаларидаги ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссиясининг кузатувига асосан миллий телевидение орқали партияларнинг сайлов кампания дастурларида аёл номзодлар 27 фоизни, уларнинг эркак 73 фоизни ташкил қилди. Бу тахминан рўйхатга олинган аёл номзодлар сонига тўғри келди.

2009 йил декабридаги сайловларда тўғридан-тўғри сайланган 135 та депутатнинг 31 нафари аёллардир. Бундан ташқари Ўзбекистон Экологик Ҳаракатига бевосита сайланган 15 депутатдан иккитаси аёл. Жами 33 нафар аёллар (22 фоиз) янги 150 кишилик парламентда депутат бўлади.

Аёллар ҳанузгача сайлов бошқарувида тўлиқ фаолият кўрсатмаяптилар. Марказий Сайлов Комиссиясининг 22 аъзосидан фақатгина 4 нафари аёллар ва Округ Сайлов Комиссиясининг 135 вакилидан 5 нафар аёл кўмита раиси эди. Ўртача ҳисоблаганда Округ Сайлов Комиссиясида 21 фоиз аёл коммисия аъзоси лавозимида иш юритади. Сайлов куни ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган сайлов участкаларида аёллар сони фоиз ҳисобида кўпрокни ташкил қилди.

Бу сайловларда камчиликни ташкил этувчи миллатлардан сайловчилар масалалари катта аҳамият касб этмади. Ўзбекистонда аҳоли сўнгги марта 1989 йилда рўйхатдан ўтказилган. Янги рўйхатнинг йўқлиги туфайли ҳар бир гуруҳ сонининг ҳисоби ўзгариб туради. Ўзбек миллати кўпчиликни ташкил қилишдан катъий назар, Ўзбекистонда рус, козок, қорақалпоқ, татар, тожик миллатлари,⁶⁴ ҳамда бошқа миллат вакиллари истиқомат қилади.⁶⁵ Ўзбек тили расмий давлат тили ҳисобланади. Қорақалпоғистон Автоном Республикасида сайлов материаллари (сайловчи тўғрисида маълумотнома, сайлов кампаниясининг ўтказилиши тўғрисидаги маълумот ва бошқалар) ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида берилган. Кўп сонли этник тожиклар истиқомат қиладиган Бухоро вилоятида сайлов материаллари ўзбек ва рус тилларида берилган.

XI. МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ КУЗАТУВЧИЛАР

Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида сайловни кузатиш жараёни ифодаланган. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Марказий Сайлов Комиссияси халқаро кузатувчиларнинг аккредитация аризаларини чекланган

⁶⁴ Ўзбекистонда истиқомат қиладиган баъзи тожиклар ўзларини ўзбек деб эълон қиладилар.

⁶⁵ 1989 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра 71,4 фоизини ўзбеклар, 8,3 фоизини руслар, 4,7 фоизини тожиклар, 4,1 фоизини козоклар, 3,3 фоизини татарлар, 2,1 фоизини қорақалпоқлар, 0,9 фоизини қирғизлар ва корейлар, 0,8 фоизини украинлар, 0,6 фоизини туркманлар ва 2,9 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этган.

муддатсиз қабул қилди,⁶⁶ Округ Сайлов Комиссияси эса маҳаллий кузатувчилардан аризаларни сайлов кунидан 15 кунгача қабул қилган.

Марказий Сайлов Комиссияси маълумотига асосан, 2009 йил декабридаги сайловни 45000 нафар партия кузатувчилари ва вакиллари кузатдилар. Бундан ташқари 36 давлатдан ташриф буюрган 270 дан зиёд халқаро кузатувчилар ва тўртта халқаро ташкилот Марказий Сайлов Комиссиясидан аккредитациядан ўтган. Булар жумласига ЕХХТ/ДИИХИ, МДХ Ижроия Қўмитаси, Ислом Анжумани Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилари киради.

Маҳаллий фуқаролик жамият ташкилотларининг сайловнинг ўтказилишини кузатишига руҳсат берадиган ҳуқуқий нормаларнинг йўқлиги 1990 ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатининг 8-бандига тўғри келмайди. Инсон ҳуқуқлари борасида фаолият кўрсатадиган *Эзгулик* нодавлат ташкилоти сайловларни кузатиш мақсадида аккредитация аризаси билан Марказий Сайлов Комиссиясига мурожаат қилгани, аммо Марказий Сайлов Комиссияси унинг аризасига жавоб қайтармаганини хабар берди.

Сайловлар тўғрисидаги қонунда фуқаролик жамияти ташкилотлари каби хусусий ташкилотларга келгусида 1990 ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатининг 8 бандига мувофиқ сайлов жараенини очиқ ва масъулиятли ўтиши учун сайлов жараёнларини кузатиш ҳуқуқи берилиши тавсия қилинади.

Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ партия вакиллари ва кузатувчилари овоз бериш жараёнларида иштирок этишлари мумкин ва кузатувчилар сайлов натижалари акс этган ҳужжатдан нусха олиш ҳуқуқига эгалар. Бироқ, ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган сайлов участка комиссиялари кўпинча ҳолларда партия номидан келган кузатувчиларга сайлов натижалари акс этган ҳужжатни тақдим этмаганларига гувоҳ бўлдилар. Шу билан бирга ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган сайлов участкаларида партия номидан келган кузатувчилар сайлов натижалари акс этган ҳужжатдан нусха олиш ҳуқуқи борлигини билмасдилар.

ХП. ШИКОЯТЛАР ВА АПЕЛЛЯЦИЯ

А. САЙЛОВДАГИ БАХСЛАР

Номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар⁶⁷ сайлов комиссияси қарорлари устидан юқори мартабали сайлов комиссиясига ёки фуқаролик ишлари билан шугулланувчи биринчи масъул (туман) судига шикоят қилишлари мумкин. Судга ариза тушгандан сўнг, аризалар фақатгина суд томонидан ҳал қилинади, улар қайтиб сайлов комиссиясига берилмайди.⁶⁸ Сайловчиларни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризалар (шикоятлар) биринчи масъул суд инстанцияларига берилиши керак,

⁶⁶ Марказий Сайлов Комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги” Низоми, 2009 йил 17 сентябрь.

⁶⁷ Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 18-моддаси ва Марказий Сайлов Комиссияси тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси.

⁶⁸ Барча ҳолларда Олий Судга ариза билан мурожаат қилиш мумкин.

Марказий Сайлов Комиссияси қарорларига қарши бўлган аризалар (шикоятлар) бўйича фақат Олий Судга мурожаат қилиш лозим.⁶⁹

Сайловлар тўғрисидаги қонунга мувофиқ қарор устидан аризалар ушбу қарор қабул қилинганидан сўнгра ўн кун давомида тақдим этилиши шарт. Сўнгра тегишли идора уч кун ичида ўз қарорини чиқаради. Сайловгача 6 кундан кам муддат қолган ҳолатда бу идора дарҳол қарор чиқариши лозим.⁷⁰ Бироқ “дарҳол” қарор чиқариш талаби керакли бўлган жараённинг тегишли минимал кафолатлари ва муносиб юридик ҳимоя кафолатларга, жумладан исбот келтириш ҳуқуқи ва ишларни адолатли олиб бориш ҳуқуқига тўғри келмайди.⁷¹

Сайловдан олдин Марказий Сайлов Комиссиясига 200 га яқин аризалар тушди, лекин уларнинг кўпчилиги Марказий Сайлов Комиссияси ваколатига тааллуқли бўлмаган масалалардир, масалан давлат муассасаларидаги иситиш тизимларининг ёмон ишлаши ёки электр таъминотининг етишмаслиги каби муаммолардир.⁷² Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ бундай шикоятлар масъул давлат муассасаларига топширилди.⁷³ Фақатгина сайлов жараёнларига тааллуқли бўлган санокли ҳолатларда Марказий Сайлов Комиссиясига мурожаат қилинди.

Кўпгина бундай ҳолатларда баъзи шахсларнинг номзодлари ўзларига тегишли бўлган партия томонидан қўйилмаганлигидан шикоят қилинган. Марказий Сайлов Комиссиясининг сиёсий партиялар доирасида бундай масалаларни хал қилиш учун етарли ваколатга эга эмаслигидан, ҳамда аризалар ҳуқуқий томондан асосланмаганлиги туфайли, Марказий Сайлов Комиссияси бу шикоятларни тегишли партия органларига юборди. Бундан ташқари сайлов масалалари, аниқроғи мобил ёки олдиндан овоз бериш қоидалари тўғрисида маълумот бериш илтимоси билан Марказий Сайлов Комиссиясига мурожаат қилинди, ва бу орган керакли маълумот билан таъминлади. Марказий Сайлов Комиссияси берган маълумотга асосан Марказий Сайлов Комиссиясига, Олий Судга, судларга ёки Бош Прокурор номига Парламент сайловларига тегишли ҳеч қандай шикоятлар тушмади.

Марказий Сайлов Комиссияси якуний натижаларни 12 январдаги йиғилишда эълон қилди ва сайлов натижалари бўйича ҳеч қандай қонунга асосланган эътирозлар бўлмади.

Сайлов жараёнида шикоятларнинг бўлмаслиги – бу жуда яхши кўрсаткич. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси вакиллари билан суҳбат қилинганда, улар бу ҳолатни қуйидагича таърифлашди: шикоят жараёнининг сир тутилмаслиги,

⁶⁹ Сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ва уларни молиялаштиришга оид қарорлар тўғрисидаги аризалар Олий Судга тақдим қилиниши мумкин (сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуннинг 9-моддаси). Шу сингари сиёсий партияларни молиялаштириш билан шуғулланадиган давлат органлари/муассасаларининг қарорлари борасида ҳам Олий Судга аризалар қилиниши мумкин (Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонуннинг 19-моддаси).

⁷⁰ Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 18-моддаси ва фуқаролик процессуал кодекси.

⁷¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сайловлар тўғрисидаги қонунга ЕХХТ/ДИИХИ идорасининг берган баҳоси. 2005 йил 21 февраль, 5-бет. <http://www.osce.org/odihr-elections/13445.html>.

⁷² Марказий Сайлов Комиссияси тақдим этган маълумот.

⁷³ Фуқароларнинг аризалари тўғрисидаги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, давлат муассасаларининг ваколатидан ташқаридаги шикоятлар тегишли идораларга 5 кун давомида тақдим этилиши лозим.

оғир кечадиган суд жараёнлари ва бахсларни расмий йулдан кўра, норасмий йул билан хал қилишнинг афзалликлари билан тушунтирилди.

Б. САЙЛОВДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР

Сайловлар тўғрисидаги қонунга ва жиноят кодексига мувофиқ сайловларни (ёки референдумни) яхши ташкиллаштириш ва ўтказишга қарши қилинган ҳар қандай ҳаракат жазога тортилади. Сайловдаги бундай қонунбузарликлар (жиноятлар) тоифасига қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин: овозлар мавхумлигини ошқор қилиш, фуқаролар ва номзодларнинг эркин сайлов кампаниясини олиб боришда уларнинг сайлов ҳуқуқларининг бузилиши, ҳамда сайлов ҳужжатларини калбакилаштириш. Бундай жиноятлар жарима, ахлоқни тузатиш ишлари, ҳамда уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Бундай қонунбузарликлар ва жиноий ишлар билан қуйи инстанция судлари шуғулланади. Уларнинг қарорлари устидан ҳудудий суд органларига ва сўнги босқичда Олий Судга шикоят қилиш мумкин. Марказий Сайлов Комиссияси, Бош Прокурор ва Олий Суднинг тақдим этган маълумотига асосан мазкур сайловлар вақтида ҳеч қандай қонунбузарликлар рўй бермаган.

ХШ. САЙЛОВ КУНИДАГИ ТАДБИРЛАР

А. ОВОЗ БЕРИШ

ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси сайлов куни овоз бериш, овозларни ҳисоблаш ва натижаларни маълум қилиш жараёнларини систематик тарзда ва ҳар томонлама кузатмади, балки улар Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги бир нечта сайлов участкаларига ташриф буюрди.

Ташриф буюрилган сайлов участкаларида барча сайлов материаллари билан таъминланганлиги ва ишлар яхши ташкиллаштирилганлиги билан овоз бериш бўйича ташкилий ишлар қониқарли деб баҳоланди. Умуман олганда, сайлов участкалари сайловчиларнинг тўхтовсиз тарзда келишлари учун мослаштирилган. Бироқ ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган баъзи сайлов участкаларида сайлов қутилари сайлов кабиналарининг орқасига жойлаштирилгани сабабли сайлов участка комиссияси ва кузатувчилар учун кўринмас эди. Бу муаммо Марказий Сайлов Комиссиясининг сайлов участкаларини жойлаштириш тўғрисида берган ноаниқ кўрсатмалари натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин.

Сайлов участка вакиллари ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси аъзолари билан биргаликда иш олиб борадилар ва улар сўраган барча маълумотларни тақдим этдилар. Ташриф буюрилган сайлов участкаларининг кўпида ваколати йўқ шахслар, кўпинча маҳаллий ҳокимият вакиллари ва маҳалла оқсоқоллари бор эди. Ташриф буюрилган кўпгина сайлов участка ҳудудларида сайлов участка комиссияси аъзолари маҳалла қўмитаси томонидан сайланган вакилларни ҳисобга олмаганда, муассаса ва асосан мактаб ходимларини ташкил қиларди. Кўп ҳолларда олий ўқув юрт раҳбарлари сайлов участка комиссияси раиси ҳисобланарди. Бундай тадбирлар иерархик бўйсунушга олиб келиши ва сайлов участка комиссиясининг мустақил фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сайлов куни ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси аъзолари сайловчилар ўзларини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатмасдан сайлов бюллетенларини топширганликларига кўп марта гувоҳ бўлганлари ҳақида хабар беришди.⁷⁴ Сайлов участка комиссияси “сайлов таклифномасини” етарли тасдиқловчи ҳужжат деб билишди.⁷⁵ ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси сайловчилар бир неча паспортларни ёки сайлов таклифномаларини кўрсатиб кўпгина сайлов бюллетенларини олганликларини кузатишди, бу эса сайловлар тўғрисидаги қонунга зид ҳисобланади. Қонунда кўрсатилишича ҳар бир сайловчи бир марта овоз бериш ҳуқуқига эга.⁷⁶ ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ташриф буюрган сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатидаги ва сайлов қутилардаги сайлов бюллетенлар уюмидаги ўхшаш имзолар бировнинг номидан овоз бериш ва сайлов қутиларига қалбаки бюллетенлар солиш ҳолларидан далолат берди. Бундай жиддий қонунбузарликлар овозларнинг тенглиги принципини (бир киши, бир овоз) бузди ва сайловлар ҳаққонийлиги ҳақидаги савол туғдирди.

Сайлов участка ходимлари малакаларини тегишли равишда ошириш ва ўз мажбуриятларини самарали бажаришлари учун керакли ваколат билан таъминланиши. Қонунга асосан, ҳамда демократик принципларга мувофиқ улар овозларнинг тенглиги ва сайловларнинг бутунлиги тўғрисидаги принципларини ҳимоя қилишлари шарт. Шу билан бирга сайлов бюллетенлари қутиларга яширин индивидуал равишда овоз бериш қоидаларини ҳурмат қилган ҳолда фақатгина сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролар томонидан ташланиши шарт.

Сайловчиларнинг кўшимча рўйхатидан фойдаланиш ҳар доим ҳам сайловлар тўғрисидаги қонунга мос келмади, чунки бу қонунга мувофиқ кўшимча рўйхатдан фақатгина сайловчининг маълум ҳудудда яшаши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатганидан кейин ва доимий сайловчилар рўйхатидан топилмаган ҳолларда фойдаланиш кераклигини назарда тутди. Баъзи ҳолларда сайловчилардан маълум ҳудудда яшаши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатни сўрамасдан ҳам улар кўшимча рўйхатга киритилди.

ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси Сайлов участкаларида учратган партиялар номидан ташриф буюрган кузатувчилар пассив, сайлов участкаларида бир бурчакда тўпланган бўлиб, жараёни диққат билан кузатиш имконлари йўқ эди. Баъзан улар яқинроқ келишни ҳам илтимос қилмадилар, чамаси улар ўз ҳуқуқларини билмас эдилар. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси вакиллари билан суҳбатда партия номидан ташриф буюрган кузатувчилар сайловлар ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ равишда ўтаётгани ва улар ҳеч қандай қонунбузарликларни кузатмаганликлари тўғрисида маълумот беришди.

Сайловлар тўғрисидаги қонун муддатдан илгари овоз бериш имконини беради, бу имконият сайлов кунида ўз турар жойларидан йироқда бўлувчи сайловчилар учун

⁷⁴ Сайлов участкалари комиссияси фаолияти тўғрисидаги Марказий Сайлов Комиссиясининг йўриқномасининг 39-моддасига асосан паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат сайловчининг шахсини аниқловчи ҳужжат деб ҳисобланади. Ҳарбий хизматни ўтаганлиги тўғрисидаги ҳужжат ва Ички Ишлар Вазирлиги томонидан берилган бошқа гувоҳномалар паспорт ўрнини босувчи ҳужжат ҳисобланади.

⁷⁵ Сайловдан олдин сайлов участкаси комиссияси сайловчиларга сайлов таклифномаларини ва сайлов участкаларининг жойлашуви тўғрисидаги маълумотнома тарқатдилар.

⁷⁶ Ҳудудий ва маҳаллий сайловлар бир кунда бўлиб ўтди, улар учун ҳар хил рангда сайлов бюллетенлари тайёрланди.

сайлов кунидан олдинги 15 кун давомида амалга оширилди. Муддатдан илгари овоз бериш учун сайлов варақаларини (сайлов бюллетенларини) Марказий Сайлов Комиссияси тасдиқлаган шакл ва кўринишда сайловчилар турар жойларида ташкиллаштирилган сайлов участкаларидан олиш мумкин. Сайловчи муддатдан илгари овоз бергандан ва сайлов варақасига имзо қўйгандан сўнг, сайлов варақаси конвертларга солиб муҳрланади. Бу конверт сайлов участкаларида сайлов кунига қадар сақланиши ва сайлов якунида сайлов бюллетени сайлов кутисига ташланди. Муддатдан илгари овоз бериш тўғрисида батафсил ва аниқ қоидалар, ҳамда самарали кузатув мавжуд эмас эди. Жойларда жараёнинг адолатли кечишига қоникарли қафолат берилмас экан, муддатдан илгари овоз бериш амалиётда кўп ишлатилмади. Бир сайловчи муддатдан илгари овоз берган ҳолатда муддатдан илгари овоз бериш сайлов варақаси бошқача рангда бўлганлиги туфайли яширин овоз беришликнинг маъноси йўқолди.

Муддатдан илгари овоз бериш ҳаққонийлигини таъминлаш учун тегишли хавфсизлик чоралари кўрилиши лозим. Масалан, муддатдан илгари овоз беришни амалга оширишга оид овозларни олдиндан ҳисоблай олмасликни ҳимоя этувчи махсус усулларни ўз ичига олган тўлиқ йўриқнома ишлаб чиқишни кўриб чиқиш лозим.

Сайлов тўғрисидаги қонунга кўра, соғлиғи туфайли сайлов участкасига кела олмайдиган сайловчи уй шароитида овоз беришни англлатувчи мобил овоз беришни илтимос қилиши мумкин. Мобил овоз бериш учун бюллетенлар бериш муддати ва тартиби ҳар бир сайлов участкасида турлича эди. Аниқ кўрсатмаларнинг етишмаслиги мобил овоз беришдан нотўғри фойдаланиш орқали турлича қўлланишларга олиб келди. ЕХХТ/ДИИХИнинг Сайловни Баҳолаш Миссияси ўтказган баъзи ҳисоблаш жараёнидан мобил сайлов кутилардаги сайлов бюллетенлари сони, уйда сайлаш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг юборган аризалари сониидан кўплиги аниқланди.

Марказий Сайлов Комиссияси Участка Сайлов Комиссияси фаолияти тартиблари, мобил овоз бериш қоидалари ва Марказий Сайлов Комиссияси тадбирлар Календари режаси каби бир қатор йўриқномалар чиқарганига қарамай, ханузгача овоз бериш жараёнини аниқ ва равшан бажарилишини таъминлайдиган тўлиқ кўрсатмалар етишмайди.

Қонун моддаларига қўшимча ва аниқлик киритиш мақсадида Марказий Сайлов Комиссияси томонидан таклиф қилинган қонун-қоидалар сайловни очиш ва унда овоз бериш, ҳамда уйда овоз бериш жараёнини ифода қилган сайлов участка фаолиятига тааллуқли бир маъноли ва амалий тушунчаларни ўз ичига олиши лозим.

Б. Овозларни Санаш, Натижалар Бўйича Баённома Тузиш ва Уларни Ўзлон Қилиш

ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси овозларни санашни кузатган Сайлов участкаларида УСКларида сайловчилар рўйхати ёпилганидан сўнг сайлов бюллетенларини санаш бир русумда бўлмади. Ишлатилмаган сайлов бюллетенлари ҳар доим ҳам йўқ қилинмади ва сайлов кутилари очилмасдан олдин алоҳида пакетларга солинмади. Баъзи ҳолларда участка сайлов комиссияси ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси вакиллариغا Округ Сайлов Комиссиясига натижалар баённомаларини топшириши учун 48 соат вақт борлиги сабаб, улар баённомаларни кечроқ тугата олишларини билдиришди. Бошқа ҳолларда натижалар овоз чиқариб

эълон қилинмади ва натижалар рўйхати ҳар доим ҳам ошкора равишда сайлов участкаларида осиб қўйилмади. Бу сайловлар тўғрисидаги қонунга ҳилоф ва участка сайлов комиссияси вакиллари малакасини оширишга эҳтиёж борлигидан далолат бермоқда.

Овозларни санаш ишлари бўйича участка сайлов комиссияларига санаш тадбирларига оид, хусусан баённомалар тўлдириши ҳақида аниқ кўрсатмалар бериши тўғрисида муҳокама олиб борилиши мумкин эди.

27 декабрдаги сайловларнинг биринчи босқичида, 96 та номзод ягона мандатли сайлов округларида ўз ўринларини тайин қилдилар. Сайловнинг иккинчи босқичи 2010 йил 10 январда 39 та сайлов округларида ўтказилди, бу округларда биринчи босқичда номзодлар кўпчилик овозга эга бўлмадилар. ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси иккинчи босқични кузатмади.

Марказий Сайлов Комиссияси 2010 йил 12 январь куни йиғилиш ўтказди ва якуний натижаларни эълон қилди (Иловага қаранг), бу натижаларга кўра рўйхатга олинган сайловчиларнинг жами 17215700 кишини ташкил қилди. Шунингдек Марказий Сайлов Комиссияси 2009 йил 27 декабрда ўтказилган сайловларда 15108000 сайловчилар (87,8 фоиз) қатнашганини ҳам эълон қилди. Сайловларнинг иккинчи босқичида 39 та сайлов ҳудудларида овоз бериш учун 4969547 нафар сайловчилар рўйхатга олинди ва бу Марказий Сайлов Комиссияси маълумотиغا асосан 79,9 фоизни ташкил қилди.

С. ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ (ЎЗЭХ) ВАКИЛЛАРИНИ БЕВОСИТА САЙЛАШ

Ўзбекистон Экологик Ҳаракатининг (ЎЗЭХ) 15 аъзоси биринчи маротаба қуйи палата учун бевосита сайланди. Мазкур бевосита сайловнинг ўтказилиши тўғрисидаги МСК (Марказий Сайлов Комиссияси) нинг қарори сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 47¹⁻⁵ Моддасига қўшимча бўлди.⁷⁷ Бу 27 декабрда ЎЗЭХ нинг миллий конференциясини ўтказилишига туртки бўлди, худди шу куни қуйи палатага 135 киши бевосита сайланди. Мазкур миллий конференцияда аввалги ҳудудий конференцияларда⁷⁸ сайланган ҳар бир ҳудуддан 25 та номзод сайлаш ҳуқуқига эга бўлдилар ва булардан жами 339 та номзод қатнашди.⁷⁹ МСК нинг ЎЗЭХ га номзодлар тўғрисидаги низомига асосан мазкур сайловга номзодларни аниқлаш ишлари билан шуғулланиш учун 15 кишидан иборат кенгаш сайланди. Улар иштирок этаётган барча делегатлар томонидан оғзаки таклиф орқали очиқ сайловда сайландилар (ҳар бир ҳудуддан биттадан вакил ва ЎЗЭХ нинг марказий кенгаши ижроия қўмитасидан битта вакил). Бундан ташқари етти кишидан иборат овозларни санаш комиссияси кенгашга номзодларни сайлаш йўли каби барча қатнашаётган делегатлар томонидан сайланди.⁸⁰ Сўнгра кенгаш алоҳида хонага кириб ҳар бир ҳудудга кўрсатилган учтадан бештагача бўлган номзоддан барча конференция вакилларинининг таржимаи ҳолидан келиб чиққан ҳолда биттасини

⁷⁷ “Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги Марказий Сайлов Комиссиясининг Низоми, 2009 йил 17 сентябрь (ЎЗЭХ номзодлари тўғрисидаги Марказий Сайлов Комиссиясининг қонуни).

⁷⁸ Ҳудудий конференциялар маҳаллий конференциялардан 35 кун олдин ўтказилиши лозим, ЎЗЭХ номзодлари тўғрисидаги Марказий Сайлов Комиссиясининг Низомининг 4-моддаси.

⁷⁹ 11 вакил турли сабабларга кўра қатнаша олмади.

⁸⁰ ЎЗЭХ номзодлари тўғрисидаги Марказий Сайлов Комиссиясининг Низомининг 12-моддасида 7 кишидан иборат сановчи комиссиянинг тайинланиши тўғрисида батафсил маълумот йук.

танладилар. Шунингдек кенгаш ЎзЭХ нинг марказий кенгаши ижроия қўмитасидан иккита номзодни ҳам кўрсатди.⁸¹

Номзодларни кўрсатиш жараёни тугагандан сўнг 14 та ҳудуддан биттадан вакил ва ЎзЭХ марказий кенгаши ижроия қўмитасидан битта вакил миллий конференция томонидан тайинланиши керак эди. Кенгаш бир вақтнинг ўзида икки ҳудуддан номзодларни ялпи мажлисга таклиф қилди. Шундан сўнг дарҳол ҳар бир ҳудудда биттадан овозга эга вакиллар жойлаштирилган сайлов бюллетенлари шу ҳудудлар учун тайёрланди.⁸² Ҳар бир тегишли ҳудудда овозга эга вакилларнинг исми-шарифи кўрсатилган сайлов бюллетенлари босиб чиқарилмасдан олдин, сайловда қатнашаётган делегатлар ўз исми-шарифи кўрсатилган сайловчилар рўйхатига (конференция сайловчилари рўйхати) ўз имзоларини қўйдилар. Овоз бериш махсус ўрнатилган овоз бериш кабинасидан фойдаланган ҳолда яширин овоз бериш билан ўтказилди. Фойдаланилган овоз бериш кутилари тўғридан-тўғри сайловларда ишлатиладиган кутилаларга ўхшаш эди.

Овозларни санаш жараёнига очик-ойдинлик етишмади. Овозларни санаш жараёни бошланганда кузатувчиларни⁸³ хоналарнинг қарама-қарши охириги томонларига ўтказишди. Натижада бу нарса кузатувчиларга овозларни аниқ ҳисоблаш ишларини кузатиш имкониятига тўсқинлик қилди ва сайлов бюллетенлари сони эълон қилинаётган рақамлар билан тўғри келаётганлигини тасдиқлашга имкон бермади. ЎзЭХ га номзодлар сайланишлари учун овоз беришнинг биринчи босқичида ЎзЭХ миллий конференциясида иштирок этаётган вакилларнинг 50% дан ошиқ овозларини олишлари керак. Агар ҳеч бир номзод биринчи босқичда 50% дан ошиқ овоз олмаса, у ҳолда овоз беришнинг иккинчи босқичи етакчи икки номзод орасида ўтказилади ва иккинчи босқичда энг кўп овоз тўплаган номзод қуйи палатага сайланади. Одатда номзодлар етарлича овозни биринчи босқичда олишди. Қайтадан овоз бериш жараёни фақатгина Бухоро ва Хоразм вилоятларида бир кундан сўнг ўтказилди.

Сайловлар тўғрисидаги қонунда ҳам, МСК нинг низомида ҳам икки номзодликка йўл қўймаслик ҳақида яъни номзодлар бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий партия учун ўз номзодларини қўйишлари, ҳамда ЎзЭХ га тенг ҳуқуқли номзоди бўлиб сайланишлари мумкин эмаслиги ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот берилмаган. МСК қондаларига асосан, бундай ҳолат сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 22,3 моддасига ёрдамида баргараф этилиши мумкин, бу моддага кўра номзод фақатгина битта сайлов ҳудудида сайланиши мумкин.⁸⁴ Сайловлар олдидан ЕХХТ/ДИИХИ Сайловни Баҳолаш Миссияси Қорақолпоғистондаги ЎзЭХ миллий конференциясига номзоднинг мақоми ҳақида маълумот талаб қилди, бу инсон бир вақтнинг ўзида сиёсий партияга номзод эди. МСК бу ҳолат ҳақида хабар топгач бу шахсни 27 декабрда ўтказиладиган миллий

⁸¹ ЎзЭХ номзодлари тўғрисидаги Марказий Сайлов Комиссиясининг Низомининг 7-моддасида номзодларнинг тайинланиши тўғрисида батафсил маълумот йук. Ҳар бир вилоятдан учта, тўртта ёки бешта номзод сайланиши керак деган аниқ кўрсатма бу қонунда белгиланмаган.

⁸² ЎзЭХ номзодлари тўғрисидаги Марказий Сайлов Комиссиясининг Низомининг 11-моддасида “ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси бўйича алоҳида овоз бериш жараёни ўтказилади” деб ифодаланган, лекин ЕХХТ/ДИИХИ Сайловлари Баҳолаш Миссияси овоз бериш жараёни бир вақтнинг ўзида иккита вилоятда ўтказилганлигини эслатиб ўтди.

⁸³ ЕХХТ/ДИИХИ Сайловлари Баҳолаш Миссиясидан ташқари МДХ кузатувчилари ва Марказий Сайлов Комиссиясининг икки аъзоси қатнашди.

⁸⁴ Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 22.3-моддаси сиёсий партияларга тааллуқли, лекин ЎзЭХ ҳаракат ташкилотидир.

конференциясга ЎзЭҲ томонидан тақдим этилган номзодлар рўйхатидан ўчириб ташлади. ЕХХТ/ДИИҲИ Сайловни Баҳолаш Миссияси номзодлар рўйхатини кўздан ўтказиш натижасида ЎзЭҲ миллий конференциясининг яна тўрт вакили ҳам парламент сайловларида партия номзодлари эканлигини аниқлади.⁸⁵ Бироқ МСК бу шахсларнинг ЎзЭҲ миллий конференциясида иштирок этганликларини ва ЎзЭҲ миллий конференциясига номзод этиб сайланганликларини рад қилди.

⁸⁵

Андижон вилояти: Арипов Бахтиёр Илхомович “Адолат” партияси учун ҳам; Тошкент вилояти: Сувонов Холтура Одилбоевич “Адолат” партияси учун ҳам; Бухоро вилояти: Ахмедова Дилбар Бўроновна “ЎзЛиДеП” партияси учун ҳам; Мухамедов Ғайрат Аминович “Адолат” партияси учун ҳам.

ИЛОВА: ПАРЛЕМЕНТДАГИ ЯҚУНИЙ ЎРИНЛАРНИ ТАЙИНЛАШ

#	Сиёсий партия/Жамоат ҳаракати	Ўринлар
1	Либерал Демократик Партия	53
2	Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП)	32
3	Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик Партияси	31
4	Адолат Социал Демократик Партияси	19
5	Ўзбекистон Экологик Ҳаракати ЖАМИ	15 150

Манба:

2010 йил 13 январда Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) вебсайтида чоп этилган

Ўзбекистон Агентлиги нашри

http://elections.uz/rus/novosti_i_sobitiya/novosti/vibori_v_zakonodatelnuyu_palatu_parlamenta_uzbekistana_zaversheni.mgr

ЕХХТ/ДИИХИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари идораси (ЕХХТ/ДИИХИ) иштирокчи-давлатларга “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни тўлиқ таъминлашда, қонун устуворлигига риоя қилиш, демократик принципларни рағбатлантириш ва (...) демократик институтларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишда, ҳамда бутун жамият кўламида чидамлилиқни ривожлантиришда” ёрдам кўрсатишга чақирилган ЕХХТнинг асосий институтидир (1992 йилдаги Хелсинки саммити Ҳужжати). Бу ЕХХТнинг инсон ўлчови ҳисобланади.

Варшавада (Польша) жойлашган ЕХХТ/ДИИХИ “Эркин сайловлар идораси” номли 1990 йилдаги Париж саммитида ташкил этилган ва 1991 йил майда ўз фаолиятини бошлаган. Бир йил ўтгач инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш киритилиши билан Идоранинг ваколати кенгайиши туфайли унинг номи ўзгарди. Ҳозирги кунда Идора штатида 130 дан ортиқ мутахассислар бор.

ЕХХТ/ДИИХИ Европада **сайловларни кузатиш** соҳасида етакчи ташкилот ҳисобланади. Ҳар йили Идора ЕХХТ регионида ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар ўтказиш бўйича бошқа халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб кузатувчилар йўналишларини мувофиқлаштиради ва ташкил этади. Унинг ноёб методикаси сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ЕХХТ/ДИИХИ иштирокчи-давлатларга сайлов инфратизимини яхшилашга кўмак беради.

Демократлаштириш бўйича Идора фаолияти қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади: қонун устуворлиги, қонунчилик соҳасида кўмак, демократик бошқарув, миграция ва кўчиш эркинлиги ва гендер тенглик. ЕХХТ/ДИИХИ ҳар йили демократик тузилишни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ мақсадга қаратилган дастурларни амалга оширади.

ЕХХТ/ДИИХИ иштирокчи-давлатларга ЕХХТ инсон ўлчови соҳасида қабул қилинган **инсон ҳуқуқи ва асосий эркинликларни** мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажаришда кўмак кўрсатади. Бунга терроризм билан курашиш шароитларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, одамлар билан савдо қилиш қурбонлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ва тайёрлаш, инсон ҳуқуқларининг риоя қилинишини мониторинг қилиш ва ҳисобот тузиш, ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг хавфсизлиги каби мавзуй соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш, имкониятларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш мақсадида кенг доирадаги ҳамкорлар билан биргаликдаги ишлар туфайли эришилади.

Чидамлилиқ ва таҳқирлашга қарши курашиш доирасида ЕХХТ/ДИИХИ нафрат, ирқчилик авж олиши, ксенофобия, антисемитизм ва чидамсизлиқнинг бошқа шакллари билан курашишни фаоллаштиришни қўллаб-қувватлашда иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатади. Чидамлилиқ ва таҳқирлашсиз муносабатни таъминлаш бўйича ЕХХТ/ДИИХИ фаолияти қуйидаги соҳаларга қаратилган: қонунчилик, қонунларни амалга ошириш бўйича таълим, мониторинг ўтказиш, ҳисоботлар тайёрлаш ва нафрат асосидаги жиноят ва инцидентларга жавобий реакцияни таъкиб қилиш, ҳамда чидамлилиқ, ҳурмат ва ўзаро тушунишни рағбатлантириш бўйича таълим тадбирлари.

ЕХХТ/ДИИХИ **рома ва синти** халқларига нисбатан сиёсати масалалари борасида иштирокчи-давлатларга маслаҳатлар беради. Идора рома ва синти жамоалари имкониятлари ва муносабатларини ривожлантиришга имкон яратади ва рома ва синти вакилларининг ҳукумат органларида иштирок этишида ёрдам кўрсатади.

ДИИХИнинг барча тадбирлари ЕХХТга аъзо давлатлар, ЕХХТ институтлари ва жойлардаги миссиялари, ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин мослик ва ҳамкорликда ўтказилади.

Батафсил маълумотни ДИИХИнинг вебсайтидан олиш мумкин (www.osce.org/odihr).